O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

Посқон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 16 (3336) | 2000 йил 20 апрель, пайшанба | Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

ЭЛАТЛАРНИ БИРЛАШТИРУВЧИ БУЮК КУЧ

Ҳар бир даврда инсон бадавлат яшаб, ўз фарзандларига замон талаблари асосида таълим-тарбия беришга ҳаракат қилган. Бундай табиий интилиш мустабид тузум даврида ҳаётда ўз иродасини қандай топганини катта ва ўрта ёшдаги фуқароларимиз яхши билишади. Улар шунингдек, коммунист раҳбарлар ўзлари шоҳона ҳаёт кечира туриб, меҳнаткашларнинг тузукроқ даромад орттиришига йўл қўйишмаганини ҳам унутмаган бўлсалар керак. Ўша кезлари одамлар бажараётган ишига яраша маош олмаслиги учун турли чеклашларни қўллашар, жумладан социалистик мажбурият, социалистик мусобақа, шанбаликларни ўйлаб топишар, булар замирида эса кўпроқ моддий эмас, маънавий рағбат ётарди.

Шукрлар бўлсинки, у даврлар ортда қолди. Эндиликда ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаяпмиз. Бунда ўз ақл-идрокимиз, кўпмиллатли халқимизнинг азалий анъаналари, удумлари, тили, дини, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг қадриятлари, дунёқараши ва тафаккурига асосланиб иш кўраётганимиз ўз самарасини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов яқинда республикамизда миллий мафкура масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда сўзлаган нутқида миллий мафкура концепциясининг ишлаб чиқилиши бу борадаги янги даврни очиб беришини айтиб ўтдилар. Хусусан, юртбошимиз миллий ғоя, миллий мафкура ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий асос бўлиши лозимлигини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ушбу муҳим масалага Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан алоҳида эътибор бериб келмоқда. Миллий мафкурамиз ҳаётимиздаги ўрнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, мафкуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқиш, шу асосда жамиятимизда ижтимоий фикрни шакллантириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди.

Президентимиз ишлаб чиқилаётган концепциянинг аҳамияти ва кенг қамровли эканлиги юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этиб, унинг еттита асосий йўналиши ҳақида тўхталдилар.

Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши зарур. Зеро, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат, аввало, аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим.

Иккинчидан, халқимиз бу ўтиш даврида ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи зарур. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврдаги янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак.

Учинчи масала шундаки, энди вояга етаётган ёшларимизни қандай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз керак? Улар қандай ғоя асосида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим? Ана шуларга эътиборни қаратиш муҳимдир.

Тўртинчидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун бирорта ҳам ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз зарур. Шундай вазиятда ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун катта хавфдир.

Бешинчидан, миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини янги ўсиб келаётган авлодга етказиб бериши учун хизмат қилиши керак.

Олтинчидан, бизнинг миллий ғоямиз халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланмоғи керак. Шу билан бирга замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркор.

Еттинчидан, миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги қарашлар рангбаранглиги, ғоялар хилма-хиллиги, уларнинг бир-бири билан курашиши, баҳслашувини сақлаган ҳолда, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон ўз фикрини эркин ифодалашига тазйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Том маънода миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажакни барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона байроқ, ягона бирлаштирувчи куч-қанот бўлиши шарт.

Миллий мафкура концепциясини ишлаб чиқиш бўйича олиб бориладиган ишлар кампанияга айланмаслиги зарур. Бу борада таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, чуқур илмий-тадқиқотлар олиб бориш, зиёлилар билан дин вакиллари ўртасида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш, маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш катта аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан олдимизга қўйилган асосий вазифа жамиятимиздаги барча соғлом кучларнинг интилиш ва ташаббусларини бир мақсад сари йўналтириш, шу асосда миллий мафкурамизни ривожлантириш ва халқимиз онгига сингдиришдан иборатдир.

ЙИГИТЛАРГА ОҚ ЙЎЛ ТИЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактаби ва Тошкент шаҳар ИИББ ўқув марказида навбатдаги битирув тантаналари бўлиб ўтди.

2

САВОБ ОЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

ИИВ ЁСБ ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ЁСБ ходимлари ҳар йили айни баҳор ойларида қаҳрамон ҳамкасблари — В. Челняковни хотирлаб, унинг номидаги 24-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларнинг ҳолидан хабар олиб, мурғак қалбларга имкон қадар меҳр улашишади.

9

ГУНОҲ

Орриф ФАРМОН

ПАНД БЕРГАН ПАРДОЗ

Шунақаси ҳам бўлади...

10

СИДНЕЙГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ



Динамочи чарм қўлқоп усталари Бангкок (Таиланд)дан ғалаба билан қайтишди.

12

КРОССВОРД

MUNAJJIMLAR BASHORATI

ОЙНАИ ЖАҲОН ДАСТУРЛАРИ – ТЎЛАЛИГИЧА БИЗНИНГ ГАЗЕТАМИЗДА

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ҚАСАМЁДИ

Яқинда Тошкент шаҳар ИИББ ўқув марказида бир гуруҳ битирувчи тингловчиларнинг Қасамёд қабул қилиш ва уларни мустақил хизматга кузатишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни марказ бошлиғи, милиция полковниги Баҳром Ўлжабоев очди.

Шундан сўнг эгнига милиция формаси ярашиб турган битирувчилар Қасамёд қабул қилишга киришдилар.

Қасамёддан сўнг Ўзбекистон Республикаси Мадҳияси янгради. Қасамёд қабул қилган битирувчилар ва уларнинг яқинларини Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги Б. Носиров табриклади. У битирувчиларни ушбу тантана билан муборакбод этар экан, уларнинг Қасамёдларига доимо содиқ қолиб, келажакда Ватанимиз осойишталигини таъминлашга ишонч билдирди.

Тошкент шаҳар ИИББ Фахрийларни қўллаб-қувватлаш марказининг бошлиғи, истеъфодаги милиция полковниги М. Ҳошимов, Бектемир тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Т. Раҳимов, ота-оналар номидан Х. Зоиров, С. Ўлжаева, тингловчилар номидан Ш. Раҳмоновлар сўз олишиб, битирувчиларни шарафли, аммо оғир ишларида улкан зафарлар тилаб қолдилар.

Тантана сўнггида марказ бошлиғи, милиция полковниги Б. Ўлжабоев сўзга чиқиб, ўзи ва шахсий таркиб номидан битирувчиларни самимий муборакбод этди.

Тантана тингловчиларнинг қўл кураши бўйича кўргазмали чиқишлари билан якунланди.

Ўз мухбиримиз.

ҚЎШИҚЛАРДА ОНА-ЮРТ МАДҲИ

"Ўзбекистон — қўшиқ байрами" анъанавий кўрик-танловнинг навбатдаги босқичи якунланяпти. ИИВ тизимидаги бошқармалар, вилоятлар бўйича танловларда ғолиб чиққанлар вазирлик миқёсидаги кўрикка йўлланма олишяпти.

Термиз. *Вилоят ИИБ ходимлари ўртасида ўтказилаётган танловнинг биринчи босқичида саралаб олинган энг яхши ижрочилар вилоят ИИБ якуний танловида иштирок этишди. Саккиз нафар санъаткор қатнашган ушбу баҳсда ўзининг жозибали, сермаъно қўшиғи билан яхши таассурот қолдирган Шеробод тумани ИИБ ходими, милиция кичик сержанти Улуғбек Норбоев биринчи, Бойсун тумани ИИБ ходими, милиция сержанти Эрали Умиров иккинчи, Ангор тумани ИИБ ходими милиция сержанти Шамсиддин Муродов эса учинчи ўринни қўлга киритишди. Ғолибларга бошқарма раҳбарияти томонидан ажратилган пул мукофоти топширилди.*

С. АБДУВОҲИДОВ.

Қарши. *Қашқадарё вилояти ички ишлар идоралари ўртасида ўтказилган навбатдаги танлов якунига кўра вилоят ИИБ қўриқлаш бошқармаси Қарши бўлинмаси милиционери, милиция сержанти Баҳодир Мансуров шоир Абдураим Ибодов сўзи билан ижро этган "Соғлом авлод қўшиғи" учун биринчи ўринни эгаллади. Фахрли иккинчи ва учинчи ўринлар ички хизмат катта лейтенанти Тоҳир Хўжаниёзов, Ғузор тумани ИИБ ходими Раима Сатторова ва Китоб тумани ИИБ қўриқлаш бўлинмаси милиционери Бўри Исмоилов ижросида талқин қилинган она-юрт, тинчлик ва эзгуликни мадҳ этувчи қўшиқлар учун берилди.*

Ў.ҲАЙДАРОВ.

Навоий. *Вилоят ИИБ ходимлари ўртасида ўтказилган анъанавий тадбир давомида қўшиқчи милиционерларнинг санъат соҳасидаги маҳорати, қўшиқларда акс этган она-юртга чексиз муҳаббати тўла намоён бўлди. Унда "Юртбошингни асрагил халқим" қўшиғини маромига етказиб ижро этган Навоий шаҳар ИИБ милиционери, милиция сержанти Эркин Ҳасанов фахрли биринчи ўринга сазовар бўлди. Навоий шаҳар ИИБ ЖТСХ патруль-пост хизмати бўлинмаси милиционери, милиция кичик сержанти Улуғбек Хидиров ва Учқудуқ тумани ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси, милиция капитани Севгиддин Омонов иккинчи ўрин соҳиби бўлдилар. Шунингдек, юрт мадҳини жўшиб куйлаган вилоят ИИБ ЭКБ катта муҳандиси, милиция катта лейтенанти Исроил Сафаров, ички хизмат сержанти Бахтиёр Неъматов ҳамда бошқарма ЁСБ 7-МҲЎЎҚ бўлинма етакчиси Женис Ўтамуратов учинчи ўринни эгалладилар. Ғолиблар вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди.*

Нигора РАҲИМОВА.

Маърифат дарси

МИЛЛИЙ МАФКУРА – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда сўзлаган нутқи ички ишлар идоралар ходимлари ўртасида ҳам ўрганилиб, бу борадаги вазифалар белгилаб олиняпти.

Сирдарё вилояти ИИБ мажлислар залида ўтган навбатдаги маърифат дарсида Ўзтелерадиокомпаниянинг сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков миллий мафкура масаласига бағишланган йиғилиш ҳақида маъруза қилди. У миллий мафкурани кенг ва ҳар томонлама тушунтириб, жамиятдаги ўрни ва моҳияти борасида батафсил тўхталди. И. Каримов томонидан олға сурилган бу масала, аввало, ўзлигимизни англаш, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топиш, ҳар томонлама ривожланган ҳуқуқий демократик давлат қуришимизда дастурулламал бўлади.

Сиёсий шарҳловчи ИИБ ходимлари томонидан тушган саволларга жавоб қайтариб, миллий мафкуранинг айнан ички ишлар идоралари ходимлари ўртасидаги ўрни ва аҳамиятига кенг тўхталди.

Ў. БОЛТАБОЕВ,
ички хизмат подполковниги.

ЙЎЛЛАНМА ОЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабида навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди. Шу куни мактабнинг ўрта бўғинида таҳсил олган ёш мутахассислар ёнғиндан сақлаш жангчилари сафидан ўрин олди. Ёш зобитлар уч йил мобайнида ўзлари танлаган мутахассислик бўйича таълим олишди, билимларини амалиётда мустаҳкамладилар. Таҳсил давомида махсус тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор берилди. Бугунги кунга келиб, улар ҳар томонлама баркамол мутахассис бўлиб етишдилар.

Байрам тантанасини Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактаби бошлиғи, полковник Матрасул Собиров кириш нутқи билан очди.

Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов сўз олиб, ёш зобитларни ўқув даргоҳини муваффақиятли тугатганликлари билан самимий муборакбод этди ва мактабни аъло баҳолар билан битирган олти нафар ёш мутахассисга имтиёзли дипломлар топширди.

Шундан сўнг битирувчиларни Республика ИИВ Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик марказининг раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов, Сирғали тумани ҳокимияти бўлим мудираси З. Мўминова, мактаб кафедра бошлиғи, ички хизмат подполковниги Б. Мавлянкаримовлар муборакбод этдилар ва ёш зобитларга ишларида муваффақиятлар тиладилар.

Мурод ТИЛЛАЕВ,
А. САПАРМАТОВ олган сурат.

АВТОМОБИЛЬ, ҲАЙДОВЧИ, ЙЎЛОВЧИ, ПИЁДА, ҚОИДАЛАР

Ички ишлар вазирлигининг Бирлашган таҳририятида ўтказилган навбатдаги телефон орқали бевосита мулоқот ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ДАН хизматининг фаолиятига бағишланди. Тошкент шаҳри ва республикамизнинг вилоятларида яшовчи фуқаролардан транспорт воситаларини рўйхатга олиш, техник кўрикдан ўтказиш, транспортни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома олиш, йўл белгилари, йўлчироқлар, йўл ҳаракати қоидалари ва бошқа масалалар бўйича тушган саволларга ИИВ Давлат автомобиль назорати Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Абдуқодир Пардиев ва бошқарма бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Азизхўжа Иноятовлар атрофлича жавоб бердилар.

Пойтахтнинг Чилонзор туманидан Ш. Жабборов Бишкек шаҳрида ўқиб ҳайдовчилик гувоҳномасини олган. Айни кунда у Тошкентда доимий рўйхатда яшаяпти. ДАН ходимлари унга Қирғизистон Республикасининг ҳайдовчилик гувоҳномаси билан юриш мумкин эмас дейишган.

Ҳақиқатан ҳам тўғри, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга фақат Ўзбекистон Республикасининг ҳайдовчилик гувоҳномаси билан транспорт воситаларини бошқаришга рухсат этилади. Шунинг учун фуқаро Ш. Жабборов Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХНБ РИБ бўлими Ўзбекистон Республикасида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун имтиҳон топшириши керак, лекин ундан ҳайдовчилик курсини қайтадан ўқиб чиқиш талаб этилмайди. Ш. Жабборовга қаерга ва қачон учрашиш ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Бир неча фуқародан автомототранспорт воситаларидан олинадиган солиқ ҳақида саволлар тушди. Фуқароларга шуни эслатиб ўтамизки, автомототранспорт воситаларидан олинадиган солиқлар масаласи билан ДАН хизмати шуғулланмайди, бу савол билан жойлардаги солиқ инспекцияларига мурожаат этиш керак. Бу ҳақда бевосита мулоқот иштирокчилари керакли тушунтиришлар бе-ришди.

Бекободлик Л. Йўлдошев шахсий машинасида ёнига 10 яшарлик ўғлини олиб кетаётганда ДАН ходими тўхтатиб, йўл ҳаракати қоидасини бузганликда айблабди. Йўл ҳаракати қоидасида ҳар қандай транспорт воситасида ҳайдовчининг ёнида 12 ёшгача бўлган болаларнинг ўтириб кетиши мумкин эмас деб белгиланган. Демак, ДАН ходими ҳақ. Жиззахлик Ю. Маматов велосипед, мопед, отарава, эшак арава ҳайдаш учун ҳам ёш белгиланганми, деб сўради. "Йўл-ҳаракати қоидалари"да йўлларда ҳаракатланаётган от ва эшак-аравалар, велосипедларни бошқариш учун 13 ёшдан кичик болаларга, мопедларни эса 16 ёшдан кичик болаларга рухсат этилмаган. Шунингдек, йўлларда ҳаракатланаётган от, эшак, туяларни ҳам 13 ёшдан кичик болаларга миниб боришга ва мол подаларини ҳайдашга йўл қўймаслик белгиланган.

Миробод туманидан В. Петров Россиядан, умуман чет давлатлардан автомашина сотиб олиб келинаётганда қанча бож ҳақи тўланади, деб сўради. Ўзбекистонга олиб келинаётган автомашиналар учун бож тўлови миқдори тартиблари ҳақида маълумот олиш учун божхона идораларига мурожаат қилиш тавсия этилди.

1999 йил октябрь ойида автомашина сотиб олгандик, навбатдаги техник кўрикдан қачон ўтказишимиз керак, дея сўрабди сирдарёлик фуқаро Ё. Солиев. Мавжуд тартиб-қоидага биноан бу автомашина 2000 йил 31 августгача ДАН идораларида техник кўрикдан ўтказилиши керак.

Шахсий автомашинамда автоҳалокат содир этгандим, ҳозирги кунда бу ҳалокат борасидаги материаллар судга оширилган. Бироқ, менда ҳуқуқ-тартибот ходимлари ҳисобга олмаган, аниқроғи, кейинроқ топилган фактлар бор, суд материалларида бу фактларни ҳам ҳисобга олишларини хоҳлайман, дея телефон қилди А. Султонов. Бунинг учун ишни кўриб чиқаётган суд идорасига мурожаат қилиб, фактларни тақдим этишингиз мумкин.

Олмалиқ шаҳридан Марат Ўринбоев шундай савол берди. 1997 йилда ДАН ходимлари менинг ҳайдовчилик гувоҳномамни олишди, албатта, айбдор бўлганим учун. Кўрсатилган жаримани тўлаб ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга борсам, йўқотиб қўйишибди. Шундан бери ҳужжат ололмай юрибман. Бу ўринда агар ҳужжатлар, ДАН идорасининг ёки алоқа пунктлари айби билан йўқолган ҳолатда ҳайдовчи учун ҳеч қандай имтиҳонсиз ва тўловсиз тегишли хулоса асосида янги ҳайдовчилик гувоҳномаси берилиши керак.

"Кечқурун ўз автомашинамда бораётгандим. Катта йўлда мени бир гуруҳ милиция ходимлари тўхтатишди. Қизиғи шундаки, улар орасида ЙПХ ходими йўқ эди. Милиция ходимлари менинг эътирозимга қарамай, ҳужжатларимни, машина юкхонасини текширишди. Автомобиль ҳайдовчисининг ҳужжатларини текшириш, автомашинани кўздан кечириш ҳуқуқи милициянинг бошқа хизматларига ҳам берилганми?" деб савол берди юнусободлик Игорь Ҳабибов.Тинчлик, осойишталикни сақлаш учун хизмат қилаётган ҳар бир милиция ходими амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда фуқароларнинг, ҳайдовчиларнинг ҳужжатларини, юкларини, автомашиналарини кўздан кечиришга ҳақли. Айниқса, махсус тадбирлар ўтказаётган гуруҳларга бундай ҳуқуқ берилган. Шунингдек, улар йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича белгиланган тартибда далолатнома тузиш, ҳайдовчилик гувоҳномаларини мазкур далолатномага илова қилиш учун олиш ваколатларига эга. Улар ДАН махсус техник хизматига кирувчи ишлар билан шуғулланишмайди. Ўғрилик, қўпорувчилик, наркобизнес ва бошқа қонунбузарликлар бўйича тегишли чора кўрадилар.

А. Иноятов

А. Пардиев

Буюк ипак йўли бўйлаб кетаётгандим, деб савол берди ҳайдовчи М. Жамолбеков, "Тўхташ тақиқланади" деган ёзув бор жойда тўхтаганим учун ДАН инспектори баённома ёзди, бошқа транспортлар тўхтаяптику. "Тўхташ тақиқланади" ёзуви қўйилган жойда умумфойдаланишдаги, жамоат транспорти, яъни такси, маршрутли таксилар, автобуслардан ташқари транспорт воситаларининг тўхташи ёки тўхтаб туриши мумкин эмас.

Нима учун пойтахтимизда ва яна умуман бошқа шаҳарларда тунда йўлчироқларнинг фақат сариқ чироғи липиллаб ёниб туради?

Ҳақиқатан ҳам шундай, Йўлчироқлар кеча-кундуз бирдай ишлаб туриши керак. Лекин кечки вақтларда ва тунда шаҳар йўлларида ҳаракат анча сийраклашади. Натижада йўлчироқларнинг кундузги тартибда ишлашига зарурат қолмайди. Шу сабабли йўлчироқлар тунги вақтларда сариқ чироқнинг липилловчи тартибида ишлатилади. Ҳозирги кунда ИИВ ДАНББ раҳбарияти томонидан йўлларда ҳаракатланишни тартибга солувчи техник воситаларни такомиллаштириш бўйича кенг қамровли чоралар кўрилмоқда.

Бундан ташқари айрим ДАН ходимларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари, ҳайдовчиларга нисбатан қўпол муомалалар, айрим жойларда йўл белгиларининг йўқлиги, йўлчироқларнинг мунтазам ишламаслиги ва бошқа камчиликлар ҳақида савол тушди ва эътирозлар билдирилди. ДАНББ масъул ходимлари барча эътирозларни қайд этиб олдилар. Фуқаролардан олинган маълумотлар бўйича жойларга зарур чоралар кўриш учун тегишли топшириқлар берилди. Камчиликлар аниқланиб, улар бартараф этилади, айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади. Бу ҳақда газета орқали ҳам хабар берилади.

ТАҲРИРИЯТ.

ОДАМЛАР НАЗАРИДАН

ҲЕЧ НАРСА ҚОЧИБ ҚУТУЛМАЙДИ

Суҳбатдошимиз Ёзёвон тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини, милиция майори Усмонжон Мамажонов.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра яқинда Усмонжон Мамажонов II-даражали "Шон-шараф" ордени билан мукофотланди.

– Усмонжон, милицияда ишлаш баъзилар ўйлагандек осон бўлмаса керак. Бу касбда 18 йил ишлаяпсиз, бу соҳани танлаганингиздан афсусланмайсизми?

– Милицияга кириб ишлаш болалик орзуим эди. Ўзим педагогика институтини битирганман, мактабда бир қанча муддат ўқитувчилик ҳам қилганман. Милицияда самарали ишлашимда ўқитувчилик касбим ҳам кўп қўл келди, деб ўйлайман. Тарбиячилик соҳасида ишлаган одам, барибир, турли тоифа кишилари билан осон тил топишиб кетади, одамлар кайфиятини тез илғайди.

Бу касбни танлаб хато қилмаган эканман. Милицияда ишлаш жуда оғир, лекин унинг ўзига яраша гашти бор. Бу касбни жондан, чин юракдан севмаган одам ишлай олмайди. Ахир, бизда иш вақтининг чек-чегараси йўқ, шанба-якшанбаси йўқ, ҳамиша халқ хизматига шай туришинг керак.

– Бугун милициянинг муаммолари нималардан иборат?

– Одамлар, кенг жамоатчилик милициянинг энг яқин ёрдамчиси бўлиши керак. Одамлар назаридан ҳеч нарса қочиб қутулмайди. Яширишнинг ҳожати йўқ, одамлар жиноятни, масалан, ўғрини кўради, лекин милицияга хабар қилмайди. Қачонки, ўзининг моли ёки мулки ўғирланса, ўзи жабр кўрса милицияга мурожаат қилади. Қўшнининг уйини ўғри ураётса бепарво турадиганлар қанча? Гувоҳ бўлиб қолишдан чўчишади. Кўрдим деб тутилдим, кўрмадим деб қутулдим, қабилида иш тутишади. Жабр кўрган одамга ёрдам бериш, яхшилик қилиш эзгулик эмасми?! Хой одамлар, ахир савоб ҳам керак-ку, дейман ундайларга.

Ахир милиция ходими фолбин эмас, экстрасенс эмаски, бировнинг ўғирланган молини бир зумда топиб берса?! Ҳуқуқ-тартибот ходимларига одамларнинг, жамоатчиликнинг ёрдами жуда-жуда зарур.

– Лавозимингиз бўйича жиноятчилик билан курашга бевосита сиз масъулсиз, бу соҳада жамоа ишлари ҳақида бироз тўхталсангиз?

– Алижон Пўлатов, Рустам Насриддинов, Обиджон Раззоқовлардан иборат тезкор гуруҳ бевосита менинг раҳбарлигимда ишлайди. Ўтган йил якунлари бўйича туманимизда рўй берган жиноятлар 11 фоизга камайган. Жиноятнинг очилиши бўйича вилоятда биринчи ўринда боряпмиз. Жиноятни очиш осон иш эмас, унинг замирида инсон тақдири ётади, қанча асаб, бардош керак бўлади.

– Ўғрилик қилаётганлар, жиноятга қўл урганлар, фоҳишалар нега бу йўлга кирдинг, деб сўралганда етишмовчилик, ночор аҳвол боис, деб жавоб берадилар. Сиз бунга нима дейсиз?

– Уларнинг гапи ёлғон, қўшилмайман. Ота-боболаримиз кечгача ишлаб, ҳақига битта нон олганларида ҳам диёнатни йўқотмаган, хиёнат кўчасига кирмаганлар. Ночорликдан бу йўлга кирдим, деган фоҳиша гапига ишонмайман. Унинг қони бузуқ, онги бузуқ, иродаси йўқ ёки у ташқи муҳитнинг ёмон таъсирига тушган. Моддий етишмовчиликдан жиноят йўлига кирдим, дейиш ўзини оқлаш, бир баҳона, холос. Ундайларни қонун ҳам, халқ ҳам кечирмайди.

– Жиноятчиликнинг олдини олиш учун қанақа чора-тадбирлар кўряпсизлар?

– Маҳаллаларда, қишлоқ йиғинларида ота-оналар, кенг жамоатчилик билан бевосита мулоқотлар олиб боряпмиз. Ҳозирги озгина заҳматлар, етишмовчиликлар, ўткинчи, халқ, юртимиз жаҳон ҳавас қилгулик тўқ ва фаровон ҳаётга етишади, элимиз тинч, юртимиз обод бўлади. Бунга шубҳа йўқ. Буни ҳамма одамларга тушунтиришимиз керак.

ЁМОНЛАРГА ЖАЗО, ЯХШИЛАРГА УМР БЕРСИН

Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғи А. Набиев кўчаси 12-уйга ярим тунда икки номаълум шахс бостириб киради. Улар ниқоб кийиб олган, пичоқ ва темир жисм билан қуролланган эди.

Номаълум шахслар дастлаб хонадон бекаси Олмахон Абдураҳимовани ваҳшийларча ўлдиришади, бошқа хонада ётган Неъматжон Абдураҳимовнинг бошига темир жисм билан уриб, унга тан жароҳати етказадилар. Нияти пул, қимматбаҳо буюмларни ўғирлаш бўлган ваҳшийлар, хонадон келининг ётоқхонасига кирадилар. Моҳирахонни оёқ-қўлини боғлаб, ўлдиришга чоғланиб, пул талаб қиладилар ва 65 минг сўм пул ҳамда тилла тақинчоқларни олиб, ғойиб бўладилар.

Бу мудҳиш воқеа бутун қишлоқни ларзага солди. Тезда вилоят, туман ички ишлар идоралари, прокуратура ходимлари оёққа турдилар. Олиб борилган тезкор ҳаракат натижасида бу мудҳиш жиноятни содир этган шахслар ушланди.

Халқ таълими жонкуяри Неъматжон Абдураҳимов оиласида юз берган қотилликни зудлик билан очиш, айбдорларни топишда жонбозлик кўрсатган вилоят, туман ички ишлар идоралари ва прокуратура ходимларига оила аъзолари номидан миннатдорчилик билдирди.

Ҳодиса

ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

5 апрель куни Марғилон шаҳрининг Аҳмад Яссавий кўчасида жойлашган 84-уйда катта фожиа юз берди. Ховлига кириш йўлагида турган газ баллони иссиқдан портлаб, ёнғин чиқди. Хонадон эгаси Турсунбой отанинг оила аъзоларидан 9 нафари турли даражадаги жароҳатлар билан касалхонага ётқизилди. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатига қарамай улардан 4 нафари вафот этди.

Газ баллони эски, фойдаланиш муддатидан ўтган экан. Портлаш овозини эшитиб оила аҳли ховлига чиққан. Баллондан чиққан пропан гази ҳаводан оғир бўлгани учун пастлаб келиб уй ичидаги газ печидан яна аланга олган.

Ҳар бир фуқаро ўз хавфсизлигини ўйласа, газ баллонларини фақат ихтисослашган ташкилотлардан олишлари, салқин, офтоб тушмайдиган жойда сақлашлари лозим. Агар газ уй ичида чиққан бўлса, эшик-деразаларни очиб қўйиш, то у бутунлай чиқиб кетмагунча ҳатто чироқларни ҳам ёқмаслик лозим.

ЗОКИРЖОН САРДОРГА ТИЛАКЛАРИМ

Зокиржон ўт ўчирувчилик хизматига кирганида энди ҳарбий хизматдан қайтган навқирон йигит эди. Мана йигирма йилдан ошдики, шу касбни эъзозлаб келяпти. Кам бўлмади. Шу касб орқасида оила тебратди, фарзандларини уйли-жойли қилди.

Албатта, бирор соҳанинг нонини ҳалоллаб ейиш учун одам ўзини, демакки оромини, кучқувватини, билимини шу соҳага бахш этиши керак. Буни Зокиржон яхши билади. Раҳбарлар ҳам ким жон куйдириб ишлаяптию, ким ўзини панага олиб, қўл учида вазифасини бажаряпти – яхши билишаркан.

Нега бундай деяпман. Дастлаб хизматга оддий ўт ўчирувчи бўлиб келган Зокиржон Мирзагалиев бугунги кунда Қувайсой шаҳридаги мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш бўлинмаси сардори. Хизмат давомида унга олий маълумот олиши учун ҳам шароит яратиб беришди.

Нафсиламбирини айтганда, енг шимариб, ҳафсала билан ишласангиз, натижаси ҳам кўзга кўринаркан. Шаҳар ҳудудида ёнғинлар, ундан жароҳатланганлар сони сўнгги йилда 50 фоизга камайди. Болалар сабаб бўлаётган ёнғинлар кўрсаткичи эса 80 фоизга қисқарди. Бунинг сири Зокиржон бошлиқ ходимларнинг одамлар ўртасида тушунтириш ишига зўр берганида, мутасаддилар томонидан йўл қўйилаётган камчилик ва бепарволикларга чек қўйишга эришаётганида. Сардор профилактик тадбирларнинг мавсумга, шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларига мос бўлишига алоҳида эътибор беради.

Зокиржон учун ишнинг катта-кичиги йўқ. Ўт ўчирувчилар ўз кучлари билан бўлинма ҳовлисини ободонлаштиришди, каттагина боғ ҳам бунёд қилишди. Ҳадемай мевасини ҳам тотиб қолишади. Энди ишхона ҳам одамнинг иккинчи уйидай гап-да. Хусусан, погон таққанлар учун. Сир эмас, сўнгги пайтларда уларнинг аксар вақти хизмат жойида ўтади. Шунинг учун Зокиржон биноларнинг ҳам кўнгилдагидек таъмирланишига эришди.

Айрим латифаларда ўт ўчирувчилар бекорчилардек талқин қилинади. Бу ҳазил учун ёки соҳани билмайдиганлар томонидан тўқилган. Аслида, ҳеч бир соҳа йўқки, уни пухта эгаллайман деган киши бекорчиликка вақт топса. Зокиржон бошчилик қилаётган жамоада ҳам вақт соатма-соат тақсимланган. Ўқув машғулотлари, жисмоний тайёргарлик, маърифат соатлари, мустақил тайёргарлик – қўйингки, вақт ҳам етмайди. Уларга ўз устида ишлашларидан қўллари бўшамаслигини, ҳудудларида эса ёнғин янаям кам бўлишини тилаб қоламан.

Муштарий сўз сўрайди

БИР ИЛТИМОС

Газета мундарижаси тобора рангбаранг, мазмундор бўлиб бормоқда. Уни туманимиздаги газета дўконидан харид қилувчилар ҳам кўп.

Бизлар ички ишлар идоралари шахсий таркибини ўқитиш, тарбиялашга масъул шахслар бўлганимиз учун муҳарририятдан бир илтимосимиз бор эди. Газета саҳифаларида маърифат дарсларида ҳамда ижтимоий-сиёсий ўқишларда фойдаланиш учун мақолалар бериб борилса, яхши бўларди. Чунки юқоридаги материалларни топишимизда қийинчиликлар туғилмоқда.

Сизларга ижодий ютуқлар тилаб, ҳурмат билан

А. СОБИРОВ, Э. ИСМОИЛОВ, Ғ. МАДАМИНОВ.

КЎЗ ТЕГМАСИН

Газета ниҳоятда ўқимишли, уни кўни-қўшниларим ҳам севиб мутолаа қилишади. Нега десангиз, унда ҳаётий воқеалар ёритилади. Гоҳида бўлса ҳам шеърлар бериб борилади. Газетада нафақат милиция ходимларининг хизмати, балки оилавий шароитлари ҳам ёритилиб борилса, уларнинг хизмат туфайли оилаларида кам бўлиши, аммо садоқатли ёрлари барча қийинчиликларни бўйинларига олиб, бола тарбияси ва оила, рўзғор ишлари билан кўпроқ ўзлари шуғулланиши кўрсатилса яхши бўларди.

Яна бир таклиф: ёмон йўлга кириб адашган, аммо тўғри йўлга қайтишга куч-қудрат топган аёллар ҳақида ҳам материаллар бериб борилса.

Дилоромхон ИСМАТОВА,
милиция майори.

СПОРТДАН ҲУРМАТ ТОПДИ

1990 йилги Наманган воқеалари чоғида Фарғонадан ёрдамга келган бўлинма сафида бир навниҳол қиз ҳам бор эди. У турли байрам тадбирларида ўзининг қўл жанги бўйича маҳоратини намойиш этиб фарғоналикларга яхши танилган эди.

Наргизахон исмли бу қиз педагогика билим юртида таҳсил олиб, гимнастика билан шуғулланиб юрган кезлари китобдан мустақил равишда қўл жанги санъатини эгаллай бошлади. Кейинчалик ички ишлар идораларига хизматга ўтгач, бу спорт тури сирларини янада пухтароқ эгаллади.

Юқорида эслаганимиз – Наманган воқеалари чоғида милиция кичик сержанти Наргиза Усмоновага бирданига катта сержант унвони берилиши ҳам бежиз эмас эди. Хизмат фаолияти давомида Наргиза ўзининг билим савиясидан ҳам, жисмоний маҳорат даражасидан ҳам қониқмаслик туйди. Бу туйғу қизни Фарғона Давлат дорилфунунининг жисмоний тарбия ва спорт факультетига етаклаб келди. Билим даргоҳида Наргиза етук устозлар қўлида таълим олди.

Бирор соҳани назарий эгаллаш бошқа-ю, билимларни амалда қўллаш бошқа. Балки, газетхон, қаҳрамонингиз қиз боши билан тартиббузар ёки жиноятчига дуч келганда довдираб қолмасмикан деб ўйлар. Мисолни мен келтирай, хулосани ўқувчи чиқарсин.

Наргиза бир куни хизматдан қайтаётиб йўловчи машинага қўл кўтарди. Ҳайдовчи йигит шўх экан, хилватроқ жойга келганда машинани йўл чеккасига тўхтатиб, милиция кийимидаги бу хушрўйгина қизга тегишмоқчи бўлди. Бечора шилқим кўз очиб-юмгунча адабини еб, узр сўрашга мажбур бўлди.

Қўшни эркак хотини билан жанжаллашиб пичоқ ўқталганча уни кўчага қувиб чиқди. Наргиза вазият қалтислигини англаб ортиқча гап-сўзсиз уни бир пасда қуролсизлантирди. Оғриқдан афтлари буришиб кетган зўравон эр қўлини абжирлик билан қайирган қўшни қизга тан бермай иложи қолмади.

Анчадан буён Наргиза хизматда кўринмай қолганди. Яқинда унга кўзим тушиб, бориб кўришдим, ҳол-аҳвол сўрашдим. Кўринмаганлигининг сабабини суриштирсам:

– Ахир, мен ҳам аёл кишиман. Фарзандли бўлдим, уни парвариш қилдим, – деди кулиб.

Муштарий "Бундай қизга уйланган йигит ҳам унга мос бўлиши керак", – дер. Ҳа, Наргизанинг эри бокс бўйича мураббий. Улар аҳил турмуш кечиришяпти. Қизи вояга етгач, Наргиза унга ҳам қўл жанги сирларини ўргатмоқчи. Шу кунларда милиция капитани Наргиза Усмонова Қиргули тумани ИИБда вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича нозир. У ёш авлодни ҳуқуқбузарликлардан муҳофаза қилишда муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Қува туманида 1998 йилнинг декабридан бошлаб хусусий дўконларда кетма-кет ўғирликлар содир этила бошланди. Анча пайт ўғриларнинг изига тушишнинг иложи бўлмади. Натижада одамлар орасида турли-туман миш-мишлар кўпайди.

Туман ИИБ раҳбарияти тегишли чоралар кўрди. Тунги тезкор гуруҳлар сафи кенгайтирилди. Навбатдаги ўғирликлар юз бериши мумкин деб тахмин қилинган ҳудудлар тонг отгунга қадар кучли назорат остига олинди. Лекин саъй-ҳаракатлар ҳа деганда ўз самарасини беравермади. Вақт ўтаверди. Ўғрилардан жабр чеккан дўконлар сони олтитага етди. Ўғирлик усули бир хил эди – жиноятчилар дўконнинг орқа эшигини ёки деворини бузиб киришарди.

Навбатдаги ўғирлик матлубот савдо-акционерлик жамиятига қарашли Бирлик қишлоғидаги дўконда юз берди. У ердан жами 71.385 сўмлик молни ўмариб кетишди.

Бели оғримай бойлик орттиришга ўрганиб қолган жиноий гуруҳ аъзолари ўзларининг қўлга тушмаслигига ишониб қолган бўлсалар ажаб эмас. Аммо кўза кунда эмас, кунида синади. Орадан уч ой ўтиб улар тунда Х. Холхўжаевга қарашли дўконга кириб, қўлларига илинган нарсаларни олиб яна ғойиб бўлишмоқчи эди, бу сафар насиб этмади – қўлга тушишди.

Бу ўғрилар гуруҳи тўрт ака-укадан иборат эди. Тергов жараёнида ака-ука Турдали, Бегали, Ғайратали ва Фахриддин Ботировлар бутун "фаолиятлари" давомида ўзгаларнинг жами 250.000 сўмликдан зиёд мол-мулкини ўғирлашгани аниқланди. Одил суд ҳукми билан уларнинг ҳар бири тегишли жазосини олди.

Ўғирланган мол-мулк эгаларига қайтарилди. Жабр бўлди – қамалганларнинг хотин, бола-чақаларига жабр бўлди. Шундай деймизу, лекин эридан "Қаерда ишлаб, бизларни нима ҳисобига боқаяпсиз?" деб бир оғиз сўраш аёл кишидан ҳам лозим эди-ку.

Материалларни мухбиримиз М. КИМСАНБОЕВ тайёрлади.

Қўриқлаш хизмати хабарлари

ОСМОНГА ТУПУРГАН "ЗЎРАВОН"

Халқимизда "Осмонга тупурсанг, қайтиб юзингга тушади" деган ҳикматли гап бор. Андижон шаҳрида яшовчи А. Р. ҳам ана шундай кишилар хилидан бўлиб чиқди. У маст бўлиб, турмуш ўртоғини сабабсиз равишда уриб, жанжал қилаётганлиги ҳақида шаҳар ички ишлар бўлимига хабар келди. Воқеа жойига етиб борган милиция старшинаси Ш. Нуринов, милиция сержанти Э. Омоновларга қаршилик кўрсатиб, пичоқ билан уларнинг қўлларига жароҳат етказиб, қочиб кетаётган "зўравон"ни Андижон шаҳар ички ишлар бўлими қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция майори Қ. Махсудов қўлга олиб, бўлимга келтирди.

Энди А. Р. ўз қилмишини қонун доирасида тушунтириб беради.

БОЛА ҚАРОВСИЗ ҚОЛДИРИЛГАЧ

Боланинг ўғирлик билан шуғулланиб юришида, албатта ўзидан кўра катталарнинг айби кўпроқ. Андижон шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш хизматига ташвишли хабар келди. Воқеа жойига етиб борган тезкор гуруҳ ходимлари милиция катта сержанти И. Жўраев ва милиция сержанти А. Рисбоевлар шаҳардаги Марказий универсам дўконнинг дераза ойнасини синдириб ичкарига кириб, 3 дона эркаклар қўл соати, 1 дона "ДЭУ" маркали телефон аппарати ҳамда кассада бор бўлган 5995 сўм пулни ўғирлаб, чиқиб кетмоқчи бўлган болакайни ушлашди. "Ўғригина бола" Избоскан туманидаги мактабларнинг бирида 5-синфда ўқиркан.

САБОҚ ЧИҚАРИБ ОЛМАГАЧ...

Андижон тумани Қуйганёр шаҳарчаси ҳудудида хизмат вазифасини бажариб юрган туман ички ишлар бўлими ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Ш. Эргашев ва шу бўлинма ходими милиция старшинаси А. Яхшибоевлар "Дилноза" хусусий фирмасига қарашли бетон устунларига тортилган 300 метрли алюмин симларни ўғирлаб кетаётган муқаддам судланган Ц. С. ҳамда Андижон тумани Қуйганёр шаҳарчасида яшовчи С. С.ларни қўлга олдилар.

Муқаддам судланиб ҳам ўзига сабоқ чиқариб олмаган Ц. С. энди янги қилмишига С. С.ни шерик қилганлиги тўғрисида кўрсатма беради.

Умида ЙЎЛЧИЕВА,
Андижон вилояти.

СИРЛИ ЗАНЖИР УЗИЛДИ

Иқтисодиётимиз кушандалари

Эр-хотиннинг суҳбати одатда оила, бола тарбияси, рўзғор ташвишлари хусусида бўлади. Жумабой билан Шафоат (маълум сабабга кўра исмлар ўзгартирилди) эса мўмай пул топиш илинжида ғойибона шивирлашиб, куйиб-пишадилар. Диққатга молик томони, бу борада эр эмас, балки хонадон бекаси "бош рол"ни ижро этади.

— Миямга бир фикр келди-ю, сиз кўнармиканеиз, — деб қолди бир куни Шафоат чой устида эрининг қўйнига қўл солиб.

— Қани тезроқ гапир, — сергакланди Жумабой ҳушёр тортиб. — Шу пайтгача сендан ёмон маслаҳат чиқмаган.

— Тошкентнинг Қўйлиқ даҳасида Узумой деган танишим бор. Шу аёлда қалбаки доллар бор экан. Келтириб пуллаб юборсак қандай бўларкин.

— Таклифинг маъқулку-я, аммо хатарли иш. Илгари судланганмиз, қўлга тушиб қолсак аяб ўтиришмайди.

— Таваккал қилиб кўрамизда. Қолаверса, дўконга келиб-кетаётган харидорларни ким ҳам суриштирарди, дейсиз. Долларларни бир-икки "айлантириб" юборсак қозонимиз ҳам, чўмичимиз ҳам мой устида бўларди.

Бу гапдан Жумавойнинг сўлак безлари ишга тушиб, кўз олдига жарақ-жарақ пуллар келди. Баҳонада қарзидан ҳам қутулишини ўйлаб, рози бўлақолди.

Шу тариқа эр-хотинлар ўзаро жиноий тил бириктириб, ишга киришишди. Улар "Дилкушо" деҳқон бозорида жойлашган савдо дўконлари орқали озиқ-овқат маҳсулотлари савдо қилиш ниқоби остида валюта операцияларини амалга ошира бошлашди. Аммо ножўя иш бир куни ташвиш келтириши барчага аён.

Бухоро вилояти ИИБ ходимлари республикамиздаги иқтисодий барқарорликни сақлаш ва ушбу барқарорликни издан чиқаришга қаратилган жиноятларни фош этиш мақсадида юқоридаги деҳқон бозорида тезкор тадбир ўтказиб, жиноий гуруҳни қўлга олишди.

Текширув ўтказилган куни Ж. Шафоат гумонланиб, савдо дўкони кўздан кечирилганда қалбаки 100 АҚШ доллари ва 225.000 сўм пул борлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, олиб борилган тезкор-тергов ҳаракатлари натижасида Ж. Шафоат долларларни Тошкент шаҳри Қўйлиқ даҳасида ноқонуний яшовчи Ж. Узумойдан 5000 АҚШ долларини 1000 ҳақиқий доллар бериш эвазига олганлиги, қалбаки 1000 АҚШ долларини Бухоро шаҳар, Шевченко кўчасида истиқомат қилувчи Ф. Отаматга олган 300.000 сўм пул қарзи эвазига берганлиги, 1100 қалбаки АҚШ долларини Бухоро шаҳар Газли кўчасида яшовчи Ж. Латофатнинг уйида, қалбаки 2400 АҚШ долларини Бухоро шаҳар Газли кўчасида яшовчи жияни Ж. Зилоланинг уйида сақланаётгани аниқланиб, қалбаки АҚШ долларлари далилий ашё тариқасида олинди Ж. Шафоатнинг уйидан тинтув пайтида ноқонуний равишда сақланаётган, 1958 йилда ишлаб чиқарилган ов қуроли ва 6,1 грамм опий чиқди.

Ж. Шафоат ва унинг жиноий шерикларидан далилий ашё сифатида 4600 қалбаки АҚШ доллари, 225.000 сўм пул, 81,000 сўмлик давлат ички ютуқ заёмлари, тилла тақинчоқлар, телевидеоаппаратлар, "Нексия", "Мазда" русумли автомашиналар олинди.

Ўтказилган тезкор тергов ҳаракатлари натижасида жиноий гуруҳ аъзоси Э. Баҳриниса Бухоро шаҳридаги Жондор шоҳ бекатида қалбаки 2000 АҚШ долларини ўтказишни кўзлаб турган вақтида қўлга олинди.

Тезкор тадбирлар давомида Э. Баҳриниса ва унинг жиноий шерикларидан далилий ашё сифатида 1996 йилда ишлаб чиқарилган, 100 долларлик купюрадаги 4500 АҚШ доллари, 97 дона қалбаки акциз маркаси, 110.000 сўм пул, 2 дона қоракўл пўстин, 106 дона қоракўл тери далилий ашё тариқасида мусодара қилинди.

Шундай қилиб, милиция ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли ҳамдўстлик давлатларидан сохта пул келтириб пуллаётган ва иқтисодимизга катта зарар келтираётган жиноий гуруҳ аъзоларини боғлаб турган сирли занжир узилди. Қалбаки долларфурушлар қилмишларига яраша тегишли жазо олишлари муқаррар!

Саъдулла ШОДИЕВ.

Таклиф

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Шарғун шаҳрида бешта маҳалла, бир қанча таълим – тарбия муассасалари бор. Биз ўз хизмат фаолиятимизда маҳалла оқсоқоллари, ўқув муассасалари раҳбарлари билан яқин ҳамкорлик қиламиз.

Асосан ёшлардан таркиб топган маҳалла посбонлари ҳам жиноятчиликнинг олдини блишда, содир этилган қонунбузарликларни очишда бизга яқиндан кўмаклашяпти.

Яқин 4-5 йил ичида шаҳримизда қасддан одам ўлдириш жинояти, ўз жонига қасд қилиш содир этилмади. Лекин биз ички ишлар идораларига боғлиқ бўлмаган муаммо мавжудки, уларнинг ҳал қилиниши турли ҳуқуқбузарликларнинг янада камайиши имконини берарди. Бу аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш масаласидир.

Кўпгина жиноятларга ёшларнинг бекорчилиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мутасадди ўртоқлар, муайян сармоя тўплаган ишбилармонлар энди ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, қўшимча иш жойлари яратишга эътибор берсалар яхши бўларди. Шунда белгиланган жазоларини ўтаб қайтган собиқ маҳбусларни ҳам ишга жойлаштиришимиз, уларни янги ҳаётга кўниктиришимиз осон кўчарди.

Муҳиддин ХЎЖАЕВ,
милиция майори.

ПОРАХЎРНИНГ ЮЗИ ҚОРА

Боёвутлик Р. Фахриддин божхона хизматчиси. Аввалига тузуккина ишлаб юрарди. Ҳамма ҳужжатларни рисоладагидек олиб боргани учун уни божхона бошлиғи даражасига кўтаришди. Кишилар назарида ҳалол ва пок инсон кўринган Фахриддин секин-аста қинғирлик йўлига ўта бошлади. Ҳамма жиҳатдан талабга жавоб берадиган, қоидаларга мос ҳужжатларга ҳам имзо чекишни пайсалга солиб, нимадир илинжида ғиншийдиган бўлиб қолди. Бу қилиқ одатга айланди. Кейинчалик бирор киши саломлашса ҳам қўлига қарайдиган бўлиб қолди. Унинг маҳалладоши Қ. Сайдуллақул эса сендан мен қоламанми деб бас бойлашади. Иттифоқо икки порахўр тил бириктириб иш юритадиган бўлдилар. "Тескоброксервис" фирмасининг декларанти Қ. Сайдуллақул олдига А. Симонян иш билан келади. Ўзининг ВАЗ-21093 русумли автомашинасини икки ой муҳлатга вақтинчалик ҳисобга қўйиши керак эди. Турган гап бунинг учун Қ. Сайдуллақулнинг томоғи мойланмаса, "ҳаво" ўтмайди, Р. Фахриддинга ҳам "қуюқ салом" керак бўлмаса қўли қалтираб, имзо чекол-майди. Хуллас, А. Симоняндан уялмасдан 200 минг сўм "қўл ҳақи" сўрайдилар. Лекин Артёмда бу пул қаёқда. Бироз тушинглар дея ялинади. Икки ҳамқишлоқ унга ачинган бўлиб 130 минг сўмга кўнадилар. А. Симонян бу ҳақда Сирдарё вилояти ИИБ КРТҚКБ ходимларини хабардор қилади. Порахўрлар айнан пулни санаб олаётганида қўлга тушдилар.

Ўз мухбиримиз.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Наманган шаҳрида яшовчи Дилшод Нуриддинов яхши ният билан уй қурсам деб, олти дона фанер олиб қўювди. Одатдагидек ишдан қайтиб келса, уларни ўрни бўшаб қолибди. Милиция тезкор ходимлари ўғри унинг ҳамшаҳари М. А. эканлигини аниқлашди.

● Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти Қизилжар шаҳарчасида яшовчи Иброҳим Тешабоев Учқўрғон туманидаги тўртинчи божхона постидан 69,9 г гашиш моддасини Ўзбекистонга олиб ўтмоқчи бўлганида қўлга тушди.

● Меҳнатобод қишлоғи Кўприкбоши маҳалласида яшовчи Толибжон Бобомирзаевни таниганлар "қўй оғзидан чўп олмаган" дея таърифлашарди. Шу сабабли бу "беозор" инсон Гулбоғ қишлоғи "Қизилқум" маҳалласида яшовчи Анвар Фозиловни бир эмас, икки велосипедни ўғирлаб кетганида кўпчилик ишонмади. Бироқ, далиллар қайсар, уни инкор этиб бўлмайди.

● Норин тумани Жамбил қишлоғида яшовчи Тўхтасин Турғунов қурол ҳазилни ёқтирмаслигини, хатони кечирмаслигини билмаган кўринади. Акс ҳолда қонунга хилоф равишда уйида ов қуроли сақламаган бўларди. Туман ИИБ ходимлари эса ноқонуний қуролни олиб қўйишди.

● Ишламасдан тишлаш илинжида бўлган Норин туман Ҳаққулобод шаҳрида яшовчи О. А. Охунбобоев кўча 40-уйдан 53.900 сўмлик буюмларни ўғирлаб кетади. Милиция ходимларининг тезкор тадбирлари натижасида унинг қилмиши ошкор бўлди.

● Янгиқўрғон туманида яшовчи А. П. Тошкент шаҳрида жиноят қилиб, қишлоғида маҳалланинг "мўмини" бўлиб юрувди. Ҳеч бир жиноят изсиз кетмаганидек, қочоқнинг изидан тушган ҳуқуқ посбонлари уни ўз уйида қўлга олишди.

● Чирчиқ шаҳрилик Т. Р.га Наманган саёҳати қимматга тушди. "Нексия" русумли автоуловда эҳтиётсизлиги сабабли Поп тумани Чодак қишлоғида яшовчи К. С. бошқарувидаги мотоциклни уриб юборади. Жабрланувчи тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

● Кўплар фалокат оёқ остида деса ишонишмайди. Аммо Наманган шаҳрида яшовчи Г. М. буни ўз бошидан ўтказди. Транспорт қатнови йўлидан ўтаётганда эҳтиётсизлиги туфайли транспорт уни уриб юборди. Энди жабрланувчи шифохонада даволанишга мажбур.

● Пахтақишлоқ қишлоғида яшовчи Р. А.ни "Форд" русумли автомашина уриб, воқеа жойидан ғойиб бўлади. Милиция ходимларининг ҳаракатлари натижасида қочоқ ҳайдовчи ушланди. У Ҳаққулобод шаҳрилик С. А. экан.

● Баъзи ҳайдовчилар транспорт тезлигини ҳаддан ташқари ошириб юбориб, бошқаришга ожизлик қиладилар. Шу тариқа Учқўрғон тумани Қуғай қишлоғида яшовчи Т. Д. мотоциклда ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай тракторнинг орқасига бориб уради. Натижада ўзи ва ҳамроҳи тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

● Учқўрғон шаҳар А. Қодирий кўчасида М. С. туман ҳокимлигига қарашли "Нексия" автомашинасини бошқариб бораётганда, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай, йўл четидаги тут дарахтига бориб уради. Натижада унга ишонган икки йўловчи ҳам тан жароҳати олиб, шифохонага ётишди.

У. МАМАДАЛИЕВ,
Ҳ. АБДУРАҲМОНОВ.
Наманган вилояти.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Қарши шаҳар ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб терговдан яширинib юрганлари учун қидирилмоқда.

Нина Берман, миллати рус, Қарши шаҳар, Нефтяник митти тумани, 41-уй, 32-хонада яшаган.

Белгилари: бўйи 165 см, сочи, кўзи сарғиш рангда, бурни ўртача, юзи думалоқ.

Февзий Каримов, 1975 йилда туғилган, миллати татар, Қарши шаҳар, Механизатор қўрғончаси, 190-уй, 1-хонада яшаган.

Белгилари: бўйи 170 см, гавдаси ўртача, сочи, кўзи қора, бурни тўғри, ўртача.

Радмир Надиршин, 1978 йилда туғилган, миллати татар, маълумоти ўрта махсус, Қарши шаҳар, 3-кичик туман, 67-уй, 28-хонада яшаган.

Белгилари: бўйи 182 см, ориқдан келган, сочи малла, юзи думалоқ, қоши ингичка, лаби қалин.

Толиб Тиллаев, 1958 йилда туғилган, миллати ўзбек, Шаҳрисабз тумани, Хисор жамоа хўжалиги, "Қиёқи" қишлоғида яшаган.

Белгилари: бўйи 165–168 см, ориқдан келган, кўзлари қисиқроқ, бурни ўртача катталикда, юзи чўзиқроқ.

Одил Холикулов, 1968 йилда туғилган, миллати ўзбек, Қарши шаҳар, А. Темур кўчаси, 230-уй, 3-хонада яшаган.

Белгилари: бўйи 165–170 см, ориқдан келган, сочи қора узун, қошлари қалин ёйсимон, кўзлари қисиқ, бурни, қулоқлари ўртача, лаблари ўртача қалинликда.

– Биз ҳуқуқий демократик жамият сари дадил бормоқдамиз. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва билимини оширишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Бу эса уларни ўз ҳуқуқларини танишига, қонунга ҳурмат руҳида тарбияланишига юксак омил бўлмоқда. Ёшлар маънавиятини ҳозирги жараён нуқтаи назарида шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган масалалардандир. Зеро, ёшлар орасида ваҳҳобийлик, ҳизбут-таҳрир ва бошқа диний ақидапарастлик оқимлари гирдобига тушиб қолаётганлар учрашига сабаб айрим оилаларда соғлом муҳит яратилмаганлигидандир. Ота-она ўз фарзандини назорат қилмаса, унинг юриш-туриши билан қизиқмаса, бирор касбга йўналтира билмаса, ўз бурчларини унутган бўлмайдими? Лоқайдлик, назоратсизлик, эътиборсизлик ҳафсаласизликни туғдиради. Оиладаги барқарорлик сақланмас экан, турли-туман келишмовчиликлар, можаролар бўлиб туриши турган гап. Шарқона ахлоқ-одоб, лутфу карам бегона бўлган хонадонда охир-оқибатда хунрезлик содир этилади. Қарс икки қўлдан, дейишади. Ота-она ва оила ўртасида муштараклик иплари узилгач, бола тарбияси шак-шубҳасиз четда қолади.

– Туманда гиёҳвандликка қарши кураш қандай олиб борилмоқда?

– Гиёҳванд моддаларнинг ғайриқонуний тарқатилиши ва сотилишига қарши кураш умумжаҳон муаммога айланган. Афсуски, бу зормандани истеъмол қилувчилар ёки уни пуллаш эвазига мўмай даромад топишга уринувчилар бизнинг туманда ҳам учраб турибди. Жумладан, тумандаги "Истиқлол" жамоа хўжалигида яшовчи Назар Эшманов 4 килограмм кўкнори уруғи ва 2700 грамм кўкнори бошоғини қонунга хилоф равишда сақлаганлиги учун жиноий жазога тортилди. Биз бундан буён ҳам бундай кўринишдаги жиноятлар пайини қирқиб, қарши кураш олиб борамиз. Муҳими, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталикда бизнинг ҳиссамиз борлигидан мамнунмиз.

Суҳбатдош
Ўроз ҲАЙДАРОВ.

АМИРНИНГ ЧОПОНИ НЕЧА ПУЛ?

Яқинда Самарқанд шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимлари милиция подполковниги У. Усмонов, милиция катта лейтенанти С. Ражабовлар Самарқанд шаҳар галереяси бошлиғи Ш. Валерий ва Қашқадарё вилоятида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Н. Абдуллоларни ғалати савдо устида қўлга олдилар. Бу икки мансабдор ва бекорчи жуфтлик XIX аср охири XX аср бошларида тилло симлардан тикилган, зардўзлик билан ишлов берилган Бухоро амирининг миллий духоба чопонини 13.000 АҚШ долларига, 2 дона – бири олтиндан ясалган аёлларнинг нақшинкор тасмаси ва кумушдан ясалган эркаклар тасмасининг ҳар бирини 5.000 АҚШ долларидан, икки дона олтин ва сариқ металлардан ясалган тарихий қиличларнинг ҳар бирини 1.000 АҚШ долларидан ҳамда XVIII асрга оид рус иконаларини 22.000 АҚШ долларига сотаётган пайтда ушландилар.

Дастлабки суриштирув жараёнида галерея бошлиғи бу тарихий анжомлар ўзининг шахсий мулки (?!) эканлигини, бундай анжомларни республикамизнинг турли бозорларида пул эвазига сотиб олиш мумкинлигини айтди. Ўзини оқлаш учун айтилган бу гап чўкаётган одамнинг хасга ёпишиши каби энди бефойдадир.

Меҳри АБДУРАҲИМОВА,
милиция старшинаси.

Ривоят қилишларича, Басра шаҳрининг ҳокими дам олмоқчи бўлиб ўз боғига ташриф буюради. Боғбоннинг жуда гўзал хотини бор эди. Ҳоким паривашнинг жамолига кўзи тушиб, кўнглида унга майл уйғониб, боғбонни узоқроққа юмушга жўнатиб, аёлга боғ эшикларини бекитиб келмоқни буюрибди. У қайтиб келгач, сен ҳамма эшикларни беркитиб келдингми, деб сўрабди. Аёл ҳокимнинг бузуқ ниятини фаҳмлаб: "Ҳамма эшикларни бекитдим, хожам. Фақат биргина эшик қолди. У ҳам бўлса менинг виждоним ва эримга бўлган садоқатим эшигидир!" – дебди.

Бундай оқилона жавобдан гангиб қолган ҳоким номусли аёлдан дарҳол узр сўраган экан...

ҲАЁ — МАРВАРИД

МАРВАРИД ЭСА БЕБАҲОДИР

Аёлнинг турфа фазилатлари ичра ҳаё марваридга ўхшашдир. Дарҳақиқат, бу марвариднинг қадр-қийматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмас. Ҳа, аёл ҳаёси билан янада зебо. Ҳаёли аёл зийнатлидир.

Кўҳна Шарқ аёли ҳаёси, иффати, бемисол латофати билан неча-неча асрлар, дунёни лол қолдириб келаётир. Ўтмишда Турон заминида зукко, жасур ва йўлбошчи аёллар кўп бўлган. Ўз ғайрати ва салоҳияти билан эркакларни доғда қолдирган довюрак аёллар ҳақида кўп эшитганмиз.

Аммо бундай аёллар ҳар қандай шароитда ҳам одоб чегарасини бузишмаган, ҳаёсини сақлаганлар. Уларнинг тарбиясини олган қизлар ҳам ҳаёли, назокатли ва садоқатли бўлиб вояга етишган.

Номус – ўлимдан кучли. Аёл эри ва унинг қариндош-уруғларига ўта хушмуомала бўлган, уларнинг юзига тик боқмаган. Шунингдек, қиз бола ҳам отаси ва акалари билан мулойим, секин сўзлашган. Нафақат муомалада, балки юриш-туришда, кийинишда ҳам қизлар одоб-ҳаё чегарасидан чиқмаганлар.

Афсуски, ғарбга ноўрин эргашиш, тақлид қилиш туфайли чиройли урф-одатларимизнинг айримлари унутилаёзди. Қиз боланинг кўча-кўйда очиқ-сочиқ кийиниши, уйда эса отаси, акалари билан гап талашиши, улар олдида ўзини номақбул тутиши

Мулоҳаза

каби ҳолатлар оиладаги тарбияда нуқсонлар мавжудлигидан далолат. Бундай қизлар оила бекаси бўлишгач, эрларига ҳам бемалол қаттиқ-қуруқ гапиравердилар, ҳатто уйда ўз ҳукмини ўтказишга уринадилар. Шу тариқа оилада униб-ўсаётган қизлар тарбияси издан чиқади. Бу эса кўпгина ҳунук ҳолатларни келтириб чиқаради.

Қиз бола қанчалик замонавий бўлмасин, ҳаёсини сақлай олмаса, бу унинг феълидаги катта нуқсон саналади. Ҳаёли қиз барчага манзурдир. Бундай қизлар оилада андишали, оғир-босиқ, итоатли ва қаноатли бўладилар ҳамда шу хислатлари билан эркакларнинг юксак эҳтиромини қозона оладилар.

Иффат аёлларнинг энг зийнатли либоси ва номуснинг энг маҳкам суянчиғидир. Ҳаё ва камсуханлик иймоннинг икки палласидир, деб айтади донишмандлар.

Мазкур мулоҳазаларнинг хулосаси сифатида атоқли инглиз адиби Вильям Шекспирнинг қуйидаги ҳикматли иборасини келтириб ўтмоқчиман: "Қиз боланинг жамики бойлиги – унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматдир".

Анвар ҒУЛОМОВ,
милиция майори.

Шунақаси ҳам бўлади

ПАНД БЕРГАН ПАРДОЗ

Баҳор кунларининг бирида шаҳар ИИБ навбатчилик қисмига кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи фуқаро қўнғироқ қилиб, қўшни хонадонда бировнинг жасади ётгани ҳақида хабар берди.

Воқеа жойига тезкор гуруҳ етиб борди. Уй олдида милицияга сим қоққан аёл ташвишли қиёфада турарди.

– Қўшнимникига туз сўраб чиққан эдим, – деди у ҳаяжонини зўрға босиб. – Эшик қўнғироғини боссам ҳеч ким жавоб бермади. Қарасам, эшик қия очиқ турибди. Ичкарига мўралаб остонада қимирламасдан ётган аёлга кўзим тушди. Кўрқиб кетиб дарҳол сизларга қўнғироқ қилдим...

Милиция ходимлари аёл билан учинчи қаватга кўтарилишди. У қўли билан эшикни кўрсатди-ю, ичкарига киришга ботина олмади.

Остонада бир аёл қимирламай ётар, ёнида нималардир тугилган бўғча бор эди. Хонадан эса димоққа ўткир ҳид уфурарди. Милиция ходимлари рация орқали "Тез ёрдам" чақиришди. Шу пайт кутилмаганда марҳума... қимирлади, йўталди. Тўпланганлар ҳанг-манг бўлиб қолишди. "Ёруғ дунёдан кўз юмган" аёлнинг нигоҳи милиция кийимидаги одамларга тушиши билан ўрнидан турмоқчи бўлди. Кимдир сув келтирди. Кўп ўтмай аёл ўзига келди.

Шу пайт қўшнилардан бирортаси хабар берган шекилли, ҳовлиқиб хонадон эгаси келиб қолди. У индамай бир милиция ходимларига, бир номаълум аёл ва бўғчага қарар экан ҳайратланиб хонани айланиб чиқди. Шкаф ва сервантни кўздан кечиргач:

– Мени тунашибди! – дея йиғлаб юборди.

Дастлабки суриштирувдаёқ рўй берган воқеа ойдинлашди. Фуқаро И. Муҳаббат мунтазам ўғирлик билан шуғулланган. У уй эгалари кундузи ишда бўлган хонадонларни "тозаларди". Калит танлаш йўли билан уйга кириб, барча қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетарди. Аммо бу гал кутилмаган воқеа содир бўлди.

– Хонадонга киргач, осонгина пуллаш мумкин бўлган жиҳозларни бир бўғча қилиб тугдим, – деди у. – Кетаётган пайтимда трюмо устида турган пардоз-андоз буюмларини кўриб қолдим. Ўзимга бироз оро бериш мақсадида лабимни бўяб, юзимга упа сурдим. Охирида дезодорант тугмачаси босганимни биламан, бирдан кўнглим айниб, беҳузур бўла бошладим. Ўзимдан кетиб қолибман...

Бу сўзларни эшитган жабрланувчи беихтиёр кулиб юборди.

– Яқинда бошқа юртда яшаётган ўғлим келганди, – деди у. – Ойи, сиз кассир бўлиб ишлайсиз, аммо ўз-ўзини ҳимоя қилиш воситангиз йўқ, деди. Шундан сўнг қўлимга дезодорантга ўхшаш кичик баллонча бериб, безори ҳужум қилганда қандай фойдаланишни кўрсатди. Мен уни упаэликлар орасига қўйиб қўйган эдим.

Газли баллонча ашёвий далил сифатида олинди, ўғри эса қилмишига яраша жазоланди.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, аёл барибир аёл-да. У ҳар қандай вазиятда ҳам гўзал ва латофатли бўлишни хоҳлайди.

Б. КЛЕЙМАН.

Оила сирлари

ҚИЗИМ ДЕДИМ СИЗНИ, КЕЛИНИМ!

(Иккинчи насиҳат)

Қизим ишонинг, илмни, одобни, ҳалолликни ва ҳаёт тажрибасини ҳеч қандай қаллоб ва ўғри тортиб ололмайди. Билим инсон учун энг яхши маслаҳатчи ва дўстдир. Ёдингизда бўлсин, жаҳолат ва ғазаб билан шошилиб иш тутманг, ўз ҳаётингизга зомин бўласиз. Қулоғингизда бўлсин, мард бўлинг, мардларга вазминлик ва хушфеъллик ярашади.

Дўст-бирodарларингиз, яқин ўртоқларингиз сизга ўз сирини айтса, сақлашни ўрганинг. Сир сақлаш тил остида чўғ олиб туриш билан баробардир.

Жаҳл устун келса, яхши кишидан ҳам ақл кетишини унутманг. Ёлғончилик, тубанлик, аччиқ тиллик, пасткашлик, бузуқ йўлга юриш, бировни менсимаслик ва манманлик каби қусурлардан узоқ бўлинг. Эзгулик, яхшилик ҳамда камтарлик асрлар ўтса-да қаримайди. Ёшимиз 40 дан ошганда ёшлик даври ўтади, 40-50 ёшдан бошлаб инсон бошига оқ қуш ин қўя бошлашини унутманг. 60 ёшда ҳамманинг ҳаёти, соғлиги, турмуши ва ҳузур-ҳаловати ҳар хил бўлиши мумкин. Бу ёшлик даврида қандай йўл тутганлигимизга боғлиқ экан.

Қизим, асабингиз ва қалбингизнинг роҳатда бўлишини истасангиз танни ва либосни пок тутиб, яхши ва холис ниятлар билан яшашингиз керак. Меҳнатни севиш саломатликка, кўнгил роҳатига, асабнинг тинчланишига, ҳаётнинг фаровонлигига, ҳурматнинг ошишига, юзимизнинг ёруғ ва зеҳнинг ўткир бўлишига сабаб экан. Оёғингиз югурса яхши орзу-ниятингизга ва мақсадингизга етказади, тилингиз югурса фалокат келтиради. Қизим, ибодатларнинг энг яхшиси одамларга яхшилик қилишдир. Инсоннинг энг гўзал фазилатлари ҳаё ва одобдир. Ҳаёсиз ва тарбиясиз одам жонсиз жасадга ўхшайди. Қизим, яхши орзу-умидлар билан яшанг, чунки умидсиз инсон ҳаёт лаззатининг фарқига бормайди. Ҳаётингизда қарз сўрашликни умуман ёдингиздан чиқариб юборинг, чунки қарз сўраш бошланса, дўстлик ва жигарлик ипи узилиб бораверади.

Қизим, дўстларнинг ҳасади душманларнинг хусуматидан ёмондир. Қизим, ақлим етгунча дилимдаги бор фикр-мулоҳазаларни сизга эслатиб ўтдим. Уларга ҳаётда қай даражада амал қилиш сизнинг хоҳишингиз ва виждонингизга ҳавола.

Турмушингиз ширин кечсин деб, сизга икки дунё саодатини тилаб Сизни қизи ўрнида кўрувчи қайнотангиз.

Оққа кўчирувчи
А. АБДУРАҲИМОВ.

Миннатдорчилик

ИРОДАНГИЗГА БАЛЛИ!

Эрта тонгда чигит экиш учун далага йўл олмоқчи бўлиб тургандим, сигирларни соғмоқчи бўлиб, оғилхонага кирган қизим тезда қайтиб чиқиб, соғин сигирлар йўқлигини айтди. Ҳайрон бўлиб оғилхонага кирдим. Ҳақиқатан ҳам бузоқлар бор, аммо иккита соғин сигир жойида йўқ эди.

Қўни-қўшниларга хабар бердим, икки кишидан бўлиб қишлоқни, далаларни айланиб, қидиришга тушдик, бироқ тополмадик. Пешинга яқин Ш. Рашидов туман ички ишлар бўлимига бордим. Бўлим бошлиғи Аҳмад Бойқулов қабулига кириб, бор гапни айтдим.

– Эрта тонгдаёқ хабар бермабсизда, – деди.

– Ечилиб чиқиб кетган бўлса, ўзимиз топармиз, дегандим.

Менга уч йигитни қўшиб берди. Дониёр Ботиров, Тўйчи Ёрлақабов, Дадақўзи Умрзоқовлар тезда қидиришга тушишди. Кейин билсам, улар жиноят-қидирув хизматидан эканлар. Ўзим бир кун улар ёнида юриб сигирларни изладим. Гапнинг очиғи, жуда ҳолдан тойдим. Қийналиб, чарчаб, учинчи куни қидиришга боролмадим. Ўзим уйдаману, кўз олдимга далама-дала, қишлоқма-қишлоқ сигирларни изламоқ, одамлардан суриштириб юрган милиционерлар келади. Уларнинг машаққатли меҳнатини ўшанда ҳис қилдим. Учинчи куни ҳам топилмаса милиция бўлимига бориб, бошлиққа йигитларни қийнаманг, сигирлар барибир топилмайди, мен улардан кечдим, демоқчи бўлиб тургандим, кечқурун Дониёр билан Тўйчи кириб келишди ва сигирлар топилганини айтишди. Ўғирлаганлар сигирларни қўшни Оқолтин туманидаги Бобур номли давлат фермер хўжалигидаги бир хонадонга яшириб қўйишган экан. Агар милиция ходимлари бир кун кечикканларида, эртасига бозорга оборib пуллашмоқчи экан.

Сигирларимнинг топилганидан, нафақат мен, балки бутун қишлоқ аҳли жуда хурсанд бўлдилар. Албатта, ўғрилар жазосини олади. Молларни топиб берган милиция ходимларининг иродасига қойил қолдим. Мендай оддий деҳқоннинг моли учун жон куйдириб, уч кеча, уч кундуз тинмай излаб, сигирларимни топиб берган милиционерларга, уларга йўл-йўриқ кўрсатиб турган раҳбарларига чексиз миннатдорчилик билдираман.

Бўривой МИРЗАЕВ,
фермер.
Ш. Рашидов тумани.

ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР БАҲСИ

Тошкент шаҳар Камолот жамғармасининг Марказий биноси залида Тошкент шаҳри туманлари мактаб ўқувчилари ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди. Беш босқичда ўтказилган тадбир жуда кўтаринки руҳда ўтди ва ҳар бир туман танлов ғолиблиги учун эмас, балки ўз истеъдоди ва билимини синаш учун қатнашди. Ёш ҳуқуқшунослар беллашувида Мирзо Улуғбек туманининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли 121-мактабнинг ўқувчилари ҳар томонлама мукаммал билим соҳиби эканликларини кўрсатдилар. Бу мактабда тарих ва ҳуқуқ фанлари чуқурлаштирилиб ўтилади. Ўқувчиларнинг кўрик-танловга пухта тайёргарлик кўришларида, ҳар томонлама шароит яратиб беришда мактаб раҳбарияти ва муаллимларининг хизматлари катта бўлди.

Ҳозирда шу мактабни битирган ёшлар ИИВ Академияси ва ҳуқуқшунослик олий билим юртларида таҳсил кўрмоқдалар. Ўйлаймизки, келгусида ҳозирги битирувчилар ҳам етук ҳуқуқшунослар бўлиб етишадилар.

Улуғбек ТОШКЕНБОЕВ,
121-мактаб ўқувчиси.

КУЛГУ БЕКАТИ

– Дадажон нега одамлар устимиздан кулаверишади?
– Болам кулса-кулаверишсин, йиғлашмаса бас.

* * *

– Айбланувчи, бу иш бўйича сиз нима дея оласиз?
– Кечаси уйга кетаётган эдим. Олдимга иккита эркак келдида: – Камзул билан телпакни еч, – дейишди. Мен ҳам шундай қилдим. Биридан камзулни, биридан эса телпакни ечиб олдим.

* * *

Суд давомида қози айбланувчини сўроққа тутаяпти.
– Айбланувчи, айтинг-чи, сиз нимага бу мошинани ўғирладингиз?
– Мен мошинани эгаси йўқ деб ўйлаган эдим?
– Нимага энди?
– Чунки мошина қабристон дарвозаси олдида турувди.

* * *

Бир эркак, ёнида икки барзанги билан кетаётиб, дўстини учратиб қолди.
– Дўсти ундан сўради?
– Ботир манави сен билан кетаётган кимлар ўзи?
– Буниси Орбит, буниси эса Дирол, улар менинг тишларимни эрталабдан кечгача ҳимоя қилишади.

* * *

Катта шаҳарнинг қоқ марказида, уйдагиларини йўқотиб қўйган бир кичкина бола йиғлаб турарди.
Олдига милиция ходими келиб:
– Исминг нима? – деб сўради.
– Худди дадамникига ўхшаган.
– Дадангни исми нима?
– Худди меникига ўхшаган.
– Иккаловингизни исмларингиз қанақа бўлмаса?
– Бир хил, – деди у.

* * *

– Ҳалиги, солиқ инспекцияси нозирини қандай чақирар эдингизлар?
– Биз уни чақирмас эдик, у ўзи келар эди.

Ж. ҒОИПОВ.

ГУНОҲ

Ориф ФАРМОН

ТЕЛЕФОН чўзиб-чўзиб жиринглай бошлади. Руҳилло афтини буриштирганча телефон гўшагини кўтарди.

— Алло, эшитаман... Ҳа, ҳа, ҳм... Нима, энди биз уйини ҳам қўриқлашимиз керакмиди? Вей, менга қара, хўжайиннинг ўзи ўмаргандир трубаларни. Уйига бориб секин текширмайсанми? Ўмарган бўлса ҳам қандай исботлайсан?.. Ҳм-м, ўттиз метр труба пулига тушадиган бўлдик. Ноинсоф одам экан-да... Одам ўзи бир умр яшайдиган иморатни ҳалол қуриши керак. Ҳа, нима ҳам қилардик.

Руҳилло жаҳл билан трубкани қўйди ва бугун шериклари негадир ишга келмаганидан бўғилиб, стол устидаги қоғозларни тортмага тиқди. Сиқилгани учун кўчага чиқмоқчи бўлди. Энди ўрнидан туришга чоғланганди ҳамки, эшик очилиб Нелла (Ноила) кўринди. Руҳилло уни кўриб титраб кетди. Нелла эса кесатиқ аралаш тиржайганча, бўлиқ кўкракларини силкитиб таманно юриш билан столга яқинлашди.

— Салом, қалайсиз? — деди у жағларини қийшайтириб сақич чайнаганча.

— Яхши, — дея тўнғиллади ранги қув оқарган Руҳилло. — Яна нима керак?

Нелла кўзларини масхаромуз қисиб, узун улама киприкларини пирпиратди ва икки бармоғини бир-бирига ишқади:

— Минг доллар! Ҳозироқ!

Руҳилло сапчиб турди, галстугини шаҳд билан бўшатди:

— Йўқол-е, онангни!..

Аёл бир зум қотди, шаҳло кўзлари совуқ тус олиб йилтиллади, лаблари аламли қимтинди. Кейин қўлларини столга тираб Руҳилло томон энгашди ва вишиллдоқ овозда заҳрини сочди:

— Ўлгинг келяптими?! Бошингга елим халта киймоқчимисан? Хотинчанг билан болачангни ҳам...

— Милицияга айтаман! — деди Руҳилло қалтираб.

— Бекорга овора бўласан! Улгуролмайсан! — Нелла телефонга қўл чўзди.

Руҳилло уни итариб ташлади. Аёл унга ёввойи мушукдай чанг солди, чинқирди. Руҳилло аёлнинг елкаларидан қисиб бошини деворга қисди. Нелла гангиди, Руҳилло унинг бошини деворга зарб билан ураверди, ураверди. Охири аёл ерга қулади, шалвираб қимирламай чалқанчасига ётиб қолди. Руҳилло ўзини босолмай ҳансираганча у ёқдан бу ёққа зир югура бошлади. Кейин бир фикрдан қўрқиб аёлга тузукроқ қаради. Нелланинг кўзлари ҳаракатсиз қотиб қолганди. Ёмон ўйдан Руҳиллонинг юраги шувиллаб, бадани музлади, тер босди. Совуқ чой ичаман деб тиқилиб қолди. Пешонасини қўли билан қисганча бирпас ўтирди ва телефон гўшагини кўтариб “02” рақамини терди.

— Алло, милициями? Мен битта аёлни ўлдирдим. Адресим...

* * *

Руҳилло хотини билан бинойидай яшар эди. Хотини Сайёра фарзанд кутаётгани учун уйда ўтирар, Руҳилло қурилишда сантехник эди, топгани рўзғорга етиб турарди. Лекин Руҳилло ён-атрофидаги одамлар қилаётган ишларни кўриб, калласида турли режалар туғила бошлади.

— Сайёра, — деди бир куни, — мен ишдан бўшамоқчиман.

Хотини ҳайрон бўлди ва юваётган кирини четга қўйиб эрига тикилди.

— Ким йўлдан урди, Руҳилло ака?

— Ўзимнинг сантехниклик фирмамни очмоқчиман, — деди Руҳилло ваннахона эшиги қаршисига курси қўйиб ўтираркан.

— Э, сизга осон экан-да, — хотини кирини ювишда давом этди. — Ҳозир ишингиз ёмонми?

— Ёмонмас-у ўртача-да.

Сайёра ювилган кўйлакнинг сувини бураб сиқиб, қаддини кўтарди, эрининг ёнидан ўтаркан, деди:

— Фирма очиш осон эмас.

— Тўғри, лекин ишни бошлаб олсам, тузукроқ яшаймиз. Бизники ҳамманикига ўхшаб олди-сотди эмас-ку. Ҳозир нима кўп — қурилиш. Бетон йўлнинг пастига тушаётган иморатларни қаранг, нақ қасрлар. Ҳаммасига сантехник керак. Ўртоқлар бор, битта бригада тузаман.

— Билмадим, — деди Сайёра елкасини қисиб. — Юринг овқатга.

Руҳилло ишдан бўшаб, фирма ҳужжатларини тайёрлашга тушиб кетди. У фирма очиш қанчалик оғирлигини тасаввур қилмаган эди. Кунлар сувдай оқиб ўтиб борар, ҳужжатлар тайёр бўлишининг сира охири кўринмасди. Ҳеч кутилмаган, ўйламаган тўсиқлар қўзиқориндай бодраб чиқаверар, чиқаверарди. Руҳилло бутунлай ҳолдан тойди, йиғиб қўйган жамғармасининг тугаб қолиш хавфи тобора кучаярди. Айниқса, банкда ҳисоб рақами очмоқчи бўлганда, аввал эллик-олтмиш минг сўм пул қўясиз, деганларида тепа сочи тикка бўлиб кетди. Бир кўнгли тўплаган ҳужжатларини бурда-бурда қилиб сочиб юбормоқчи ҳам бўлди, бироқ сарфлаган пуллари-ю асабларини қақшатган югур-югурларига ачинди.

Шундай кунларнинг бир якшанбасида Руҳилло озгина дам олиш учун ошнаси билан балиқ овига жўнади. Улар катта сув бўйидаги тол тагидан қўним топдилар. Хира яшил сув шитоб билан оқиб ётарди. Ошналар қармоқларини сувга ташлаб оқимга тикилиб ўтирдилар. Кўзлари тингганидан гўёки оқимга тескари сузаётгандай ҳис этардилар ўзларини. Охири зерикишди, чунки қармоқ пўкаги бирдай титраб тураверди, чўкмади.

— Бу ерда балиқ илинмайди, — деди ошнаси Мамажон.

— Нимага? — сўради Руҳилло қармоқ пўкағидан кўз узмай.

— Оқим кучли. Сув тинч оқадиган жойга боришимиз керак.

— Шунга биздан бошқа балиқчилар кўринмаётган экан-да.

— Улар билади, — деди Мамажон қармоқни сувдан кўтараркан.

Ошналар халталарини олиб йўлга тушдилар. Анҳор бўйлаб анча юришди. Бир жойда анҳор чап томонга бурилган, ҳам кенгайганди. Уларга қарши қирғоқда сув ҳамон шитобли оқсада, булар томонда оҳиста эди. Ошналар қармоқларни сувга ташлаб қўйиб халтани очдилар. Мамажон егулик ва арақ олди.

— Шу, бизда балиқчилик унча урф бўлмаган-да, — деди Мамажон бодринг ковшаркан.

— Балиқ ейиш ҳам, — уни қувватлади Руҳилло. — Илгари пивохоналар бўларди. Пиво баҳонасида қоқ балиқ еб турардик.

— Арзон пивохоналар ҳам йўқолиб кетди.

— Бизда ишлаб чиқариш қимматга тушяпти экан. Унга қўшиладиган хмел деган ўсимликни узоқдан сотиб олиб келиш керак экан.

— Ўзимизда экса бўлмайдими? Ўсмайдиган нарсанинг ўзи йўқ-ку?

— Ҳаво иссиқлик қилиб куйиб кетса керак-да... Ие, қара, қара! — Руҳилло шошиб ўрнидан турди. — Илинди шекилли!

— Торт! — деди Мамажон ҳовлиқиб.

Руҳилло шаҳд билан қармоқни тортди, аммо у чиқмади, нимагадир илиниб қолганди. Икки ошна у қилиб кўришди, бу қилиб кўришди, қармоқни ололмадилар. Шундан кейин Руҳилло ечиниб сувга шартта калла ташлади, ошнаси ҳай-ҳайлаганча қолаверди. Мамажон бирпас кутди, Руҳилло кўринмасди. Унинг юраги шув этдию ечиниб сувга тушди ва шўнғиб қўли билан пайпаслана бошлади. Мамажоннинг қўли аллақандай латтага тегди, кейин танага. Руҳиллони қирғоққа чиқарганда у ҳушсиз эди. Мамажон унинг оёқларини тепага кўтариб ичидаги сувни чиқармоқчи бўлди, ҳайрият кўп сув ютиб улгурмаган экан. Ҳушига келди. Руҳиллонинг бошидан қон сизиб турарди. Мамажон кўчага қараб югурди. Бир “Дамас” машинаси келаётганди, тўхтатиб ҳайдовчидан илтимос қилди. Руҳиллони касалхонага олиб бордилар. Мамажон уни қолдириб, Руҳиллонинг уйига жўнади. Эшикни очган Сайёра Мамажонни ёлғиз кўриб ҳайрон бўлди, чунки эри билан бирга кетганини биларди:

— Ассалому алайкум, — деди Сайёра, — Руҳило акам қанилар?

— Касалхонага тушиб қолди, — деди Мамажон ерга қараганча.

— Ие, нимага? — Сайёра қўрқиб кетди. — Нима бўлди?

— Сувга калла ташлаганди, тагида бетон бор экан.

— Вой ўлай! — Сайёра сочини чангаллади.

— Зўрға олиб чиқдим, — минғирлади Мамажон.

— Аҳволлари ёмонми?

— Билмадим... Юринг, ҳозир бориб биламиз.

(Давоми бор)

“МИСФУРУШЛАР”НИНГ ПАЙИ ҚИРҚИЛМОҚДА

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рангли металл парчалари ва чиқиндиларини ноқонуний четга олиб чиқилишига доир Фармойиши ва Президентимизнинг Фармонлари ижросини таъминлаш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Лекин шунга қарамай вилоятимиз ҳудудида рангли металлар, телефон ва электр кабелларини ўғирлаб, қўшни Қозоғистонга олиб чиқиб кетиш ҳолатларининг кўпайиб бориши кузатилмоқда. Бу ҳолатлар асосан маҳаллий аҳоли томонидан қўшни республика фуқаролари билан тил бириктирилиб, амалга оширилмоқда. Қўшни республикаларга олиб чиқиб кетилаётган жами 10 миллион сўмлик рангли металлар давлат ихтиёрига ўтказилди.

Вилоят ҳудудида рангли металл таркибига кирувчи мис маҳсулотларини ўғирлаш ҳолатлари кўпаймоқда. Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ушбу турдаги жиноятлар олдини олиш борасида маҳаллий аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаётган бўлса-да ўз нафсининг қулига айланган баъзи шахслар телефон ва электр кабелларини ўғирлашни касб қилмоқдалар. Ачинарлиси, ана шундай ҳаракатлар оқибатида инсонлар ҳалок бўлиши ҳам кузатилмоқда.

Жумладан, Тошкент тумани Ўзбекистон жамоа хўжалигида яшаган уч фарзанднинг отаси Э. Шавкат ва 1973 йилда туғилган Кубай Турдиқуловлар ўзаро тил бириктириб, юқори кучланишли трансформатор электр сув насосларининг эҳтиёт қисмларини ўғирлаётган вақтда К. Турдиқулов ток уриши натижасида жиноят жойида вафот этган, шериги эса, жасадни ташлаб, эҳтиёт қисмларини олиб кетган.

1978 йилда туғилган А. Ғофир ҳам электр кабелларини олаётган вақтда ток урган.

Бугунги кунда ҳаётимизни телефон ва электр тармоқларисиз тасаввур этиш қийин. Бироқ, баъзи "мисфуруш"ларнинг ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўяётганликлари боис, кўпчилик азият чекмоқда.

Жумладан, Ўртачирчиқ тумани Ҳақиқат жамоат хўжалиги 3-бўлимида яшовчи фуқаро Эралиев Жаҳонгирга қарашли симёғочдан нархи 50 минг сўм бўлган 120 метр телефон сими ўғирланган. Олиб борилган қидирув ишлари натижасида ушбу ўғирлик шу жамоада истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган фуқаро 1970 йилда туғилган К. Нуғмон томонидан содир этилганлиги маълум бўлди ва унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Олмалиқ шаҳар ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлимига "Геолого-разведка" қўрғонидан телефон кабели ўғирланганлиги ҳақида хабар тушди. Воқеа жойига зудлик билан етиб келган ходимлар 115 метр, умумий қиймати 52500 сўм бўлган телефон симини ўғирлаш учун кесиб, тайёрлаб қўйилганини аниқлашди. Ходимларимиз томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида икки номаълум шахс қўлга олинди.

Ушбу турдаги жиноятлар қелиб чиқишига ишлаб чиқаришда рангли металлдан фойдаланадиган корхона ва ташкилотлар хом ашёни сақлашда талон-торож қилинишининг олдини олиш чораларини кўрмаётганликлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Бунинг далили сифатида мисолларга мурожаат қиламиз.

Жорий йилнинг 2 январь куни фуқаро С. К "Ангренцемент" бирлашмаси омборидан 54 минг сўмлик мис симларини ўғирлаган.

4 январь куни Ангрен кўмир ташкилотидан 43 минг сўмлик 150 метр мис кабели номаълум шахслар томонидан олиб кетилган.

2 феврал куни Олмалиқ шаҳридаги Металлурглар кўчасидаги 42-уйнинг ертўласидан 26 минг сўмлик телефон сими ўғирланган.

1999 йил ва жорий йилнинг 2 ойи мобайнида вилоят бўйича 163 та рангли металл ўғирлаш ҳолатлари аниқланган бўлиб, унинг умумий нархи 34 млн. 265 минг сўмни ташкил қилади.

Айрим фуқароларимиз рангли металл олди-сотдиси билан шуғулланиб, бундан катта миқдорда фойда кўрганига қувониб, қонунсиз равишда рангли металлни даромад манбаига айлантириб олмоқдалар. Жумладан, Олмалиқ шаҳар Беляков кўчаси 2-уйда яшовчи фуқаро Умид Атабоев рангли металл савдоси билан шуғулланиб келган. Унинг уйи текширилганда 850 кг мис ва 1300 кг алюмин топилиб, олиб қўйилди.

Қуйичирчиқ туманида ҳеч қаерда ишламайдиган Анатолий Ли Дўстобод шаҳар алоқа бўлимидан "Тоштелеком" акционерлик жамиятига қарашли умумий нархи 107.015 сўмлик "РКПАП-1" русумли телефон симини ўғирлаган. Ли ушланиб, далилий ашёлар олинган.

Оққўрғон туманида осойишталик посбонларини катта тезликда келаётган автомобиль ўзига жалб қилди. Н. Қудратга тегишли бу автомобилда, Қозоғистон фуқароси Б. Бекенаевга тегишли бўлган пиёз остига юкланган 1,5 тонна рангли металл ноқонуний равишда Қозоғистонга олиб кетилаётганлиги маълум бўлди ва ушланди.

Дарҳақиқат, ойни этак билан ёпиб бўлмагандек, содир этилган ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Мамлакатимиз хом ашёси бўлган рангли металларни четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш эса, фақатгина ички ишлар ходимларининг эмас, ҳамманинг бурчи бўлиши керак.

Мақсуда СУЛТОНОВА,
Тошкент вилояти ИИБ матбуот гуруҳи инспектори.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Ургут тумани ИИБ томонидан Ургут шаҳри Бухорий кўчаси, 11-уйда яшовчи, 1980 йилда туғилган Самариддин Шодиев қидирилмоқда. У 2000 йил 1 апрель куни соат тахминан 15.00 да отасига тегишли "Дамас" русумли яшил рангли автомашинада Самарқанд шаҳрига киракашлик қиламан деб уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170–175 см, озғиндан келган, сочи калта қора, қоши ёйсимон, бурни катта, юзининг чап пастки қисми ва ияги остида қора холи бор, ўнг оёғининг панжалари орасида куйгандан қолган чандиқ мавжуд.

Кийимлари: эгнида қора оқ чизиғи бор спорт курткаси, Хитойда ишлаб чиқарилган сариқ кўйлак, қора шим, оёғида қора туфли бўлган.

Автомашина деталларининг рақамлари:

Двигатель – №844459.

Кузов – №021075.

Давлат белгиси – 14Д 9718.

Техпаспорт серияси – ГИ-859533.

Автомашина 1998 йилда ишлаб чиқарилган.

Самариддин Шодиевни кўрган-билганлар бу ҳақда яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.

КРОССВОРД



Энига: 1. Эгилувчан хоссага эга бўлган нарса. 5. Африкадаги давлат пойтахти. 8. Авиация ва ракета двигателлари мутахассиси, техника фанлари доктори. 9. Насрий асар тури. 10. Шоирларнинг танланган асарларидан иборат тўплам нашри. 12. Қозоғистондаги дарё. 13. Вақт ўлчови бирлиги. 14. Юк, йўловчи ёки аскар элтиб бораётган поездлар таркиби. 17. Кўрк, безак. 18. Романнавис ижодкор, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 20. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 21. Лена дарёси ирмоғи. 23. Дурадгорлик асбоби. 24. Болтиқ бўйидаги республика пойтахти.

Бўйига: 1. Ахлоқ қоидаларини ўрганувчи ижтимоий фан. 2. Яқин киши. 3. Овланадиган парранда. 4. Россия мамлакатидаги вилоят. 5. Дуккакли экин. 6. Кўркам йирик гулли манзарали ўсимлик. 7. Спорт иншооти. 11. Кўршапалакларга мансуб жонивор. 13. Ашёлар ҳажмини белгиланган миқдорда ўлчаб берувчи автомат қурилма. 15. Самолётни бошқариш қисми. 16. Рус масалчиси. 18. Саудия Арабистонидаги муқаддас шаҳар. 19. Асосан Германия мамлакатида яшовчи миллат. 22. Бир кеча-кундузнинг қисми.

МУАММОНОМА

Кроссворд жавоблари асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.

17-3; 11-6. 8-1; 20-5; 2-2; 10-8. 11-5; 12-3; 23-1; 21-2; 4-1; 24-7; 9-2. 17-3; 20-6; 5-1; 15-3; 16-2. 1-1, 15-4. 7-2; 22-2; 6-1; 18-2; 5-1.

22-1; 4-4; 6-1; 18-5; 16-4. 14-1; 16-2. 7-6; 5-1; 8-3; 18-1; 10-2; 12-1. 22-1; 11-2; 19-3; 14-5; 18-1. 14-3; 15-4. 10-3; 11-6; 6-1; 9-5; 5-1.

Улардан донишманд шоир Юсуф Хос Ҳожиб меросига мансуб нодир асардан икки мисра ҳикматни билиб олишга муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 7. "Мерседес". 8. Самосвал. 10. Рокировка. 11. Данте. 12. Камон. 13. Каноп. 15. Чордара. 17. Афлотун. 19. "Эколаш". 20. Пешмат. 24. Фабрика. 26. Матонат. 28. Сарпо. 29. "Насаф". 30. Ноган. 31. Ахалтекин. 34. Қирғовул. 35. Петросян.

БЎЙИГА: 1. Пентагон. 2. Теорема. 3. Берк. 4. Сарв. 5. Қоракўл. 6. Кайковус. 9. Уринма. 13. Каракас. 14. Палермо. 16. Дакар. 18. Огайо. 21. Маъаррий. 22. Каратэ. 23. Маданият. 25. Исфахон. 27. Таннарх. 32. Аруз. 33. Крем.

МУАММОНОМА: Ҳикмат: ***Баъзи сўз киличдан ўткир бўлади.***

Бокс

СИДНЕЙГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Динамочи чарм қўлқоп усталари Бангкок (Таиланд)дан ғалаба билан қайтишди.

Қирол кубоги учун ўтказиладиган анъанавий турнирда 71 килограммгача бўлган вазн тоифасида Д. Ёрбековга, 75 килограммгача бўлган вазн тоифасида эса У. Ҳайдаровга тенг рақиб топилмади.

Улар 2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ўз мухбиримиз.

Мини-футбол

САМАРҚАНДЛИКЛАР – ЧЕМПИОН

Самарқанд вилояти ИИБ Жазони ижро этиш бўлими футбол жамоаси Соғлом авлод йили муносабати билан ўтказилган мини-футбол бўйича мусобақада қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин фарғоналиклар, учинчи ўрин эса хоразмлик спортчиларга насиб этди.

Ушбу футбол жамоаси 1996 йилда ички хизмат подполковниги Низом Жумановнинг ташаббуси билан тузилган. Шундан бери вилоят ички ишлар бошқармаси шарафини ҳимоя қилиб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, жамоа юқори натижаларга эришишига муносиб ҳисса қўшган Ҳаким Ҳайдаров, Шавкат Тўхтамишев, Алишер Ботиров, Дилшод Элмуродов каби ўйинчилар номини фахр билан тилга олиб ўтишни истардик.

С. ЗОҲИДОВ,
милиция майори.

Суратда: мини-футбол жамоаси.

KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI

ҚЎЙ (21 март – 20 апрель). Ушбу ҳафтанинг бошида ҳамкасбларингиз билан алоқангиз мустаҳкамланиб, меҳнат фаоллигига эришасиз. Пайшанба куни кутилмаганда руҳиятингизда кескин ўзгариш рўй беради ва бу қариндошларингиз билан муносабатда ўз ифодасини топади.

СИГИР (21 апрель – 21 май). Табиатингизга хос қайсарлик сешанба куни бажараётган ишингизга ижобий таъсир кўрсатади. Шанба куни ижодий муваффақиятга эришасиз.

ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь). Ҳафтанинг бошидаги сизга яқин бўлган аёл билан мулоқот ёдингизда қолади. Дам олиш кунлари эски қадрдонларингиз билан узоқ вақтдан бери кутилаётган учрашув бўлиб ўтади. Шунингдек, яхши харид кутилмоқда.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль). Сизнинг касбингиз билан боғлиқ янги ғояларингиз чоршанба куни дўстларингиз томонидан қўллаб-қувватланади. Бошлиқлар билан кутилаётган мулоқотни келгуси ҳафтага қолдирганингиз маъқул. Пайшанба куни ҳамёнингизга пул тушади. Шанба кунги сафар чоғида кутган нарсаларга эришасиз.

АРСЛОН (24 июль – 23 август). Сешанба куни актёрлик маҳоратингиз ўз ҳақлигингизни исботлашда яқиндан ёрдам беради. Аммо пайшанба кунги амалий учрашув пайтида эҳтиросларингизни жиловлашга ҳаракат қилинг. Зеро, муваффақиятга эришишингиз қийин кечади.

БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь). Ўзингизни қизиқтираётган маълумотни душанба куни қўлга киритасиз. Чоршанба куни моддий аҳволингиз яхшиланади. Пайшанба куни катта миқдорда пул сарфлашдан эҳтиёт бўлинг. Шанба куни керакли нарсаларни харид қилишни маслаҳат берамиз. Якшанба – ижодий фаоллик кунидир.

ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь). Душанба куни сизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин бўлган кишининг маслаҳатидан воз кечганингиз маъқул. Ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ муаммоларни жума куни ҳал этишингизга тўғри келади.

ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь). Ушбу ҳафта ишқий саргузашт билан бошланади. Воқеаларнинг кутилмаган томонга ўзгариши чоршанба-пайшанба кунлари яқин келажакка белгиланган режаларингизни қайта кўриб чиқишга ундайди. Шанба куни янги орттирган танишингиз алдаб қўйиши мумкин. Эҳтиёт бўлинг.

ЁЙ (23 ноябрь–21 декабрь). Ниҳоят ишингиз юришиб кетади. Сизни безовта қилаётган муаммолар ҳал этила бошлайди. Ўзингизга керакли йўналишни белгилаб олишингиз ортиқча хатти-ҳаракатларга чек қўяди.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь). Сешанба-чоршанба кунлари ҳамкасбларингиз билан кутилаётган дўстона муносабат яхши наф келтиради. Пайшанба куни амалий музокаралар муваффақиятли якунланади. Эътиборли танишингиз сизни шанба куни қўллаб-қувватлайди. Якшанба куни фарзандларингиз учун вақт ажратинг.

ҚОВҒА (21 январь – 19 февраль). Ҳафтанинг бошида соғлигингизнинг ёмонлашуви белгилаган режаларингизга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Чоршанба куни ишқий саргузашт кутилмоқда. Дам олиш кунлари қувноқ даврада кўнгилли ҳордиқ чиқарасиз.

БАЛИҚ (20 февраль – 20 март). Шошқалоқлигингиз иш жойингизда муваффақиятга эришишингизга тўсқинлик қилади. Кутилмаганда сизда – тадбиркорлик билан шуғулланиш истагининг пайдо бўлиши жума куни даромад ишлаб олишингиз, яқин келажакда эса қариндошларингизни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Иноят ФАЙЗИЕВ

Хизмат вазифасини бажариш чоғида Навоий вилояти ИИБ Жазони ижро этиш муассасаси ходими, ички хизмат катта лейтенанти Иноят Исломович Файзиев фожиали равишда ҳалок бўлди.

И. И. Файзиев 1970 йилда Навоий вилоятининг Кармана шаҳрида туғилди. У 1993 йилда Тошкент индустриал педагогика техникумини битирди. Ички ишлар идораларида хизматни 1995 йилда бошлади. Қисқа даврлик хизмати давомида у маҳкумларни қайта тарбиялаш, улар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш тадбирларида фаол қатнашди.

И. И. Файзиев намунали хизмати учун вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти, муассаса маъмурияти томонидан бир неча бор рағбатлантирилган. У камтарин, дўстларига меҳрибон инсон эди.

И. И. Файзиев хизмат вазифасини бажариш чоғида бурчига, қасамёдига содиқ қолди. Унинг ёркин хотираси хизматдошлари, ҳамкасб дўстлари қалбида мангу яшайди. Марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби Криминалистика кафедраси ўқитувчиси ички хизмат капитани Айдарбек Абдуллаевга онаси

Тамара Будуковна АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбарияти ва шахсий таркиби ШТБИХ муншийхона мудираси Ольга Худяковага онаси

Надежда Емельяновна ИВАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят жамоатчи мухбири И. Мухторовга онаси

РОЗА опанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар ИИББ ППХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби милиция майори Шуҳрат Илҳомович Рамазоновга отаси

Илҳом РАМАЗОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ ППХБ раҳбарияти ва шахсий таркиби милиция лейтенанти Тўлқин Қўчқорович Рустамовга отаси

Қўчқор РУСТАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идораларининг фахрийси

Аҳрор НАРЗИҚУЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБга қарашли муассаса бошлиғи ўринбосари ички хизмат майори

Эркин Жуманович ЖЎРАЕВ

38 ёшида бу ёруғ оламни тарк этди.

Ажойиб инсон, меҳнаткаш раҳбар, меҳрибон дўст Э. Жўраевнинг порлоқ хотираси ҳамкасблари ва дўстлари қалбида абадий қолади.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ хузуридаги қўриқлаш бошқармаси ШТБИХ инспектори милиция катта лейтенанти Хуррамой Тангриева ва Нишон тумани ИИБ ЖҚБ ходими милиция катта лейтенанти Маҳманазар Тангриевга опалари

Мухтарам ТАНГРИЕВАнинг

вафоти билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Gazeta haftaning juma kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Zokir ATAYEV

Muharrir
Erkin SATTOROV
(Bosh muharrir o'rinbosari v.b.)

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA
Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari — .... 139-77-23.
muxbirlar bo'limi ..... 139-75-69.
Faks ..... 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: ..... 54-37-91, peyjer: ... (088) 36-97, 55-19.

Elektron pochta postmaster@urmvd.co.uz

Bizning hisob raqamimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21506000200447980001, MFO 00014.

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart

• Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.

• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Ro'yxatdan o'tish tartibi № **00007**.
Buyurtma **Г — 292.**
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — ..... 19.00.
Bosishga topshirildi — ..... 18.00.

Obuna raqami — **180**

107 797 *nusxada chop etildi.*

«SHARQ» nashriyot-matbaa konserni bosmaxonasi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.